БУТУН ДУН'Ё ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№238 (469)

2 ДЕКАБРЬ ЖУМА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев Калькуттага келдилар (1-нчи бет).

Калькутта аҳолисининг Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев шарафига митинги. **Н. С. Хрушчев** нутқи. **Жавоҳарлал Неру** нутқи (1-нчи ва 2-нчи бетлар).

Совет архитекторларининг иккинчи Бутуниттифоқ с'езди (2-нчи бет).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: **Ҳ. Абдусаматов.** — Саноатга раҳбарликни такомиллаштирайлик (3-нчи бет).

Бўка район пахтакорларининг ғалабаси (3-нчи бет).

У. Жонгитов, М. Икромов.— «Далварзин» совхозлари давлатга пахта топширишда районни орқага тортмоқда (3-нчи бет).

Албания парламент делегацияси СССР Олий Советининг доимий комиссиялари а'золари блан учрашди (4-нчи бет).

СССР Олий Совети делегациясининг Германия Демократик Республикасида бўлиши (4-нчи бет).

БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида (4-нчи бет).

Туркия ҳукумати исте'фо берди (4-нчи бет).

Бирма ва Совет Иттифоқи халқларининг дўстлиги мустаҳкамлансин ва гуллаб-яшнасин!

Бирма Иттифоқи ҳукуматининг таклифига биноан СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин, СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси Н. С. Хрушчев ва уларнинг ҳамроҳлари бугун дўстлик визити блан Рангунга келадилар.

Хрушчев ва Булганин ўртоқлар Бирмага Ҳиндистондан келадилар, улар Ҳиндистонда 18 ноябрьдан 30 ноябрьгача бўлдилар. Совет раҳбарларининг дўстона Ҳиндистонда бўлишлари ва бу буюк мамлакатнинг ҳукумати ҳамда халқи уларни завқ-шавқ блан ғоят самимий кутиб олганлиги совет-ҳинд муносабатлари тарихида муҳим даврдир.

Совет раҳбарларининг Ҳиндистон ҳукумати раҳбарлари блан, ҳинд халқи блан бўлган учрашуви иккала тинчликсевар халқ дўстлигининг ёрқин намойишига ва тотув яшаш принциплари — улуғ Ленин дун'ёдаги биринчи социалистик давлатнинг ташқи сиёсатига асос қилиб қўйган принциплар тантанасининг ёрқин намойишига айланди.

Эндиликда дўстона ҳамкорлик ва тотув яшаш принциплари ер юзидаги тинчликсевар мамлакатлар ташқи сиёсатининг амал қилинаётган негизи бўлиб қолмоқда. Совет Иттифоқининг Бирма Иттифоқи блан бўлган муносабатлари ҳам ана шу принциплар асосида қурилмоқда. Бирма Иттифоқи Хитой Халқ Республикаси, Ҳиндистон ва Осиё ҳамда Африкадаги бошқа мамлакатлар блан биргаликда дун'ёнинг бу қисмларида тинчликни ва хавфсизликни сақлаш учун, ядро ва термоядро қуролини тақиқлаш учун, қурол-яроғларни ва қуролли кучларни ялпи камайтириш учун, халқаро кескинликни янада юмшатиш тадбирларини амалга ошириш учун курашмоқда.

Осиё ва бутун Шарқ мамлакатларида сиёсий вазиятнинг чуқур равишда ўзгарганлиги замонамизнинг хусусиятидир. Миллий мустақиллик ва озодлик учун, янги ҳаёт қуриш учун кураш Шарқ халқларининг сиёсий активлиги кучли равишда ўсишлан иборат буюк тарихий процесс содир бўлиб турибди. Россиядаги Улуғ Октябрь социалистик революцияси бу тарихий процесснинг бошланганлигидан дарак берди. Муваффақият блан янги, социалистик ҳаёт қураётган улуғ хитой халқи ғоят катта тарихий ғалабаларга эришди. Улуғ ҳинд халқининг ўз миллий мустақиллигини қўлга киритганлигини бутун прогрессив инсоният табриклади. Индонезия, Бирма ва бошқа мамлакатларнинг халқлари четэл ҳукмронлиги зулмини улоқтириб ташладилар.

Совет Иттифоқининг Осиё мамлакатлари блан, шунингдек бошқа ҳамма мамлакатлар блан дўстлигининг ва амалий ҳамкорлигининг мустаҳкамланиши бу мамлакатларнинг социал-иқтисодий тузуми қандай бўлишидан қат'и назар уларнинг ҳарбири манфаати учун хизмат қилади. Н. С. Хрушчев 26 ноябрьда Ҳиндистондаги Бангалор шаҳрида сўлаган нутқида бундай деган эди:

«Сизлар бизнинг идеяларимизга турлича қарашингиз мумкин. Бирқанча масалаларни сизлар блан биз турлича тушунишимиз мумкин. Сизлар тараққиётнинг ўзингизга кўпроқ ёққан йўлини ўзларингиз танлаб олингиз. Биз бу ишда сизларга халқит бермаймиз, балки мамлакатни ривожлантириш йўлида қилаётган яхши ишларингизга ёрдамлашамиз, олижаноб ва улуғ халқингизнинг манфаати йўлида ёрдамлашамиз».

Чуқур тарихий ма'нога эга бўлган ва Совет давлатининг бутун сиёсати блан амалда та'кидланган бу сўзлар Совет Иттифоқининг фақат Ҳиндистон блангина эмас, балки бошқа ҳамма мамлакатлар блан ва жумладан Бирма блан бўлган ўзаро муносабатларининг моҳиятини ёрқин ифода қилади.

Совет-Бирма муносабатларининг мустаҳкамлигига ва дўстона ҳарактерига энг биринчи сабаб шуки, бу муносабатлар тенглик ва ўзаро манфаатдорлик асосида қурилмоқда. Кейинги вақтда Бирма ва Совет Иттифоқи халқларининг дўстлиги ҳамда амалий алоқалари бениҳоя ўсди ва мустаҳкамланди. Бунга, шубҳасиз, Бош министр У Нунинг Совет Иттифоқига яхши ниятли миссия блан келганлиги, мамлакатимизнинг иқтисодий ва маданий соҳадаги муваффақиятлари блан, совет халқининг тинч ижодий меҳнати блан бевосита танишганлиги ғоят даражада катта ёрдам берди.

Яқинда Москвада Бирма Иттифоқи ҳукумат харид миссияси блан совет ташқи савдо ташкилотлари ўртасида олиб борилган музокаралар муваффақиятли тугади. Бу музокаралар натижасида Бирмага совет ускуналари, машиналари ва бошқа товарлари етказиб бериш тўғрисида тузилган контрактлар СССР блан Бирма Иттифоқи ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни тенгҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосларида янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тинчлик учун, халқаро кескинликни юмшатиш учун олиб борилаётган умумий кураш СССР ва Бирма халқари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамламоқда. «Сизни ишонтириб айтаманки,— деб ёзган эди У Ну Термиздан Н. А. Булганинга юборган телеграммасида,—Совет Иттифоқига қилган сафарим тинчлик учун курашдан иборат қат'ий ниятимни янада кўпроқ мустаҳкамлайди. Тинчлик учун кураш биргаликда давом этдиришимизга аминман».

СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиуми а'зоси Н. С. Хрушчевнинг Бирма Иттифоқига бериши Бош Министр У Нунинг СССРга қилган сафари вақтида совет раҳбарлари блан у ўрнатган шахсий алоқаларни янада ривожлантиришга ҳамда кенгайтиришга ёрдам беради.

Бирмадан олинаётган хабарлардан ма'лум бўлишича, мамлакатнинг жамоатчилиги Н. С. Хрушчев ва Н. А. Булганиннинг келишини иккала халқ ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлайдиган яқин алоқаларнинг намойиши деб, буни қизғин табриклоқда. «Нью таймс оф Бирма» газетаси «Бирма-Совет дўстлиги» сарлавҳали бошмақоласида, Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Бирмага келиши Бирма жамоатчилигини ғоят қизиқтирмоқда, деб ёзади. Россия, деб ёзади газета, шубҳасиз, Бирмага иқтисодий фаровонликка эришиш ишида астойдил ёрдам бериш истагига амал қилиб, кичик ва заиф мамлакат бўлган Бирмага дўстлик қўлини узатди. «Бирман» газетаси совет халқини «акоdue»— улуғ оғамиз деб атайди. Совет кишилари бирма халқининг ишончи ва муҳаббати блан фахрланмоқдалар.

Шубҳа йўкки, Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев ўртоқларнинг Ҳиндистонга қилган визитидек, Бирмага қилган визити ҳам ишонч ва халқаро ҳамкорлик руҳини янада ривожлантиришга ёрдам беради, совет халқининг барча халқлар блан тотув ва дўст бўлиб яшашга бўлган қизғин истагига жавоб беради.

Совет халқи дўстона бирма халқига, унинг ўз экономикасини ва миллий мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган куч-ғайратига, унинг тинчлик учун олиб бораётган олижаноб курашига ҳамиша самимий хайрихоҳлик ҳисси блан қараб келди ва шундай қарамоқда. Москвада Совет Иттифоқи блан Бирма Иттифоқи ўртасидаги дўстликка бағишлаб ўтказилган митингда СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин Бош Министр У Нуга мурожаат қилиб, бундай деган эди:

«Сиз Бош Министр жанобларига ва Сиз орқали бутун Бирма халқига совет халқининг дўстлиги ўзгармас дўстлик деб ва'да бераман, шунингдек Ватанингизнинг ривожланиши ва гуллаб-яшнаши йўлида муваффақиятлар қозонишини истаганлигимизни билдираман».

Совет, хитой, ҳинд, бирма халқларининг ва ер юзидаги бошқа ҳамма тинчликсевар халқларнинг дўстлиги ҳамда ҳамкорлиги умумий тинчлик ва хавфсизлик манфаатлари учун бундан буён ҳам гуллаб-яшнасин!

Дўстона Бирма халқига қизғин салом!

(«ПРАВДА»нинг 1 декабрьдаги бошмақоласи).

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев Калькуттага келдилар

КАЛЬКУТТА, 29 ноябрь. (ТАСС). Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев ўртоқлар ҳамда уларнинг ҳамроҳлари маҳаллий вақт блан соат 14 да самолёт блан Мадорасдан Калькуттага келдилар.

Меҳмонларни Калькутта аэродромида Ғарбий Бенгалия штатининг бош министри Б. Ч. Рой, Ғарбий Бенгалия қонун чиқаручи кенгашининг ва қонун чиқаручи мажлисининг раислари, штат ҳукуматининг а'золари, чет мамлакатларнинг Калькуттадаги консульлари, маҳаллий жамоат ташкилотларининг ва муниципалитетнинг вакиллари кутиб олдилар.

Ҳарбий оркестр СССР ва Ҳиндистон Республикасининг давлат гимнларини ижро этди. Хрушчев ва Булганин ўртоқлар саф тортиб турган фахрий қоровул олдидан юриб ўтдилар.

Штат бош министри Б. Ч. Рой аэродромда қурилган махсус трибунага чиқиб меҳмонларни табриклади. У ўз сўзида бундай деди:

— Шаҳримизнинг аҳолиси ва Ғарбий Бенгалия халқи номидан мен сизларни бу тарихий жойда чин кўнгилдан табриклайман. Бу шаҳар Британиянинг Ҳиндистондаги ҳукмронлиги XVIII асрнинг бошида бошланган жойнинг маркази бўлган эди. Бу шаҳар атрофида жуда кўп саноат корхоналари — жут, қоғоз, тўқимачилик фабрикалари бор. 150 йил чамаси бу шаҳар Ҳиндистоннинг пойтахти бўлиб турди ва шундан бери у мамлакатнинг муҳим саноат марказидир. Ҳақиқатда бу шаҳар бутун Ғарбий Бенгалия штатининг бош марказидир. Эҳтимолки биз Россиядаги ба'зи шаҳарларнинг улуғлигига ҳали етаолмасмиз, лекин биз бунга интиламиз.

Сизлар Ҳиндистонни билиб олмоқ учун ўз мамлакатингиздан узоқ йўл босиб сафар қилиб келдингиз. Сизлар Ҳиндистоннинг фақат пойтахтингина кўриб қолмасдан, шу блан бирга мамлакатнинг бошқа кўпгина муҳим пунктларини ҳам кўрдингиз. Сизлар Ҳиндистоннинг шимолида, жанубида, шарқида ва ғарбида халқнинг маданияти ва традициялари турлича эканлигини пайқаган бўлсангиз керак, шундай бўлса ҳам мана шу хилма-хил маданиятдан шундай маданият вужудга келдики, уни биз ҳинд маданияти деб аташимиз мумкин. Сизлар бу шаҳарга келганлигингиз учун ўзимизнинг ташаккуримизни айтиб адо қилолмаймиз. Биз сизларни бутун қалбимиздан табриклаймиз ва сизларга ўзимизнинг самимий меҳмондўстлигимизни камтарлик блан таклиф этамиз.

Сизлар шаҳримизда мамнуният блан вақт ўтказурсиз деб умид қиламан.

Н. А. Булганин жавоб нутқи сўзлади. Уни аэродромда тўпланган кишилар, шу жумладан Калькутта аҳолисининг ва Калькуттадаги жамоат ташкилотларининг жуда кўп вакиллари қизғин қарсаклар блан кутиб олдилар.

— Азиз дўстлар!—деди Н. А. Булганин,—Ҳиндистон тарихида, унинг миллий-озодлик ҳаракатида Ҳиндистон экономикасини ва маданиятини ривожлантиришда шу қадар муҳим роль ўйнаган Бенгалия тупроғига бугун биз катта хурсандчилик блан қадам қўймоқдамиз.

Самолётда учиб кетатуриб, — деб давом қилди Н. А. Булганин, — кўмкўк бўлиб яшнаб турган унумдор ерларни, тинч қишлоқларни ва сувга тўлиб оқаётган дар'ёларни кўрдик. Биз Ҳиндистоннинг энг катта шаҳри бўлган Калькуттани ва унинг заводлари ҳамда фабрикаларидаги трубалардан тутунлар чиқиб турганлигини кўрдик.

Олтин Бенгалиянинг битмас-туганмас бойлиги бор, шунинг учун ҳам биз ҳозирги вақтда Бенгалия халқи ўзи яратаётган бойликларнинг хўжайини бўлиб қолаётганлигини ва шу бойликларни ватан манфаатларига хизмат қилдираётганлигини кўриб сизлар блан бирга қувонмоқдамиз.

Бенгалия халқининг ҳаёти ва меҳнати блан, унинг муваффақиятлари, ютуқлари блан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлганлигимиз учун ўзимизни бахтиёр деб ҳисоблаймиз. Биз сизларга мустақил Ҳиндистоннинг тараққий қилиб бораётганлигини қизиқиб кузатиб турган Совет Иттифоқидаги кўпмиллионли халқнинг энг яхши истакларини ва қизғин саломларини келтирдик.

Ҳиндистон блан Совет Иттифоқи халқларининг дўстлигини ва самарали ҳамкорлигини мустаҳкамлайлик! **(Гулдурос қарсаклар).**

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев ўртоқлар халқнинг табрикларига аэродромнинг баланд трибунасидан туриб чин қалбдан жавоб бериб турдилар.

Меҳмонлар тушган машиналар соат 14—30 минутда қатор бўлиб шаҳар томон йўл олди.

Аэропорт ёнидан бошланиб, шаҳар марказигача борадиган бутун 15 километрлик йўлнинг икки томонидан Калькутта ва унинг атрофидаги халойиқ совет раҳбарларини шод ва хурсанд бўлиб кутмоқда эди. Йўлнинг у чеккасидан бу чеккасига тортилган сонсиз-саноқсиз алвонларга: «Жаҳонга тинчлик! Хуш келдингиз азиз меҳмонлар! Булганин ва Хрушчевга салом!» деган сўзлар бенгал ва рус тилларида ёзиб қўйилган эди. «Яшасин Совет Россияси! Жай ҳинд! (Ҳиндистон омон бўлсин!), Ҳиндлар блан руслар биродардирлар!» деган хитоблар эшитилиб турди. Н. С. Хрушчев ва Н. А. Булганин бенгалиялларнинг қизғин табрикларига чин қалбдан жавоб бериб бордилар.

Шаҳар марказига яқинлашаборган сари кўчаларни лиқ тўлдириб турган халойиқ тобора кўпаймоқда эди.

Шаҳардаги кўп бинолар пастдан юқоригача, бешинчи ва олтинчи қаватларгача ранг-баранг байроқлар блан безатилган эди. Биноларнинг балконлари, томлари халқ блан лиқ тўлган, Совет меҳмонлари учун резиденция қилинган губернатор саройи атрофидаги марказий маҳаллалар одамлар блан шу қадар лиқ тўлган эдики, машиналар халқ орасидан аранг ўтиб борди. Совет-Ҳиндистон ўртасидаги бузилмас дўстликка бенгалиялларнинг ниҳоят даражада манфаатдор эканликларини ифодаловчи табрик сўзлари ҳамма жойдан эшитилмоқда эди. Аэродромдан резиденциягача икки соат йўл юриб борилди.

5 миллион аҳолиси бўлган Калькутта совет раҳбарларини Совет Иттифоқи халқларига дўстлик ва муҳаббатнинг мисли кўрилмаган катта намойиши блан кутиб олди. Ҳинд ҳукумат ма'мурларининг айтишига қараганда, Н. С. Хрушчев ва Н. А. Булганин шаҳардан ўтаётган вақтда унинг кўчаларида Калькутта аҳолисидан ва унинг атрофидаги шаҳарлар ва қишлоқлардан келган камида уч миллион киши тўпланган.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Калькуттада бўлиши

КАЛЬКУТТА, 30 ноябрь. **(ТАСС махсус мухбири).** Бугун эрта блан Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев Хоур шаҳрининг атрофида, Хугли дар'ёсининг (Ганг дар'ёсининг қемалар қатнайдиган ирмоғи) ўнг қирғоғида жойлашган жут фабрикаларини ва ботаника паркини бориб кўрдилар.

Эрта блан соат 8 дан 45 минут ўтганида Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев Калькуттанинг дар'ё пристанига келадилар. Пристаньга тўпланган шаҳар аҳолиси азиз меҳмонларни самимий табриклайди.

Калькутта—Ҳиндистоннинг энг катта портидир. Ҳиндистонга келтириладиган ва мамлакатдан денгиз йўли орқали жўнатиладиган юкларнинг 50 процентчаси шу портдан ўтади. Бу порт денгиздан 200 километр наридаги Хугли дар'ёсида жойлашган бўлиб, йилига 2 миннга яқин кемани ўтказиб туради.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев «Хугли» лоцман кемасига чиқадилар. Кема дар'ёнинг оқими блан бориб, ботаника парки пристанига яқинлашади.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев дар'ё пристанидан жут фабрикаларига борган вақтда Хоурнинг минг-минглаб аҳолиси уларни қизғин табриклайдилар.

Хоур жут фабрикаларида Н. А. Булганин блан Н. С. Хрушчевни фабрикаларнинг бош бошқаручиси Ж. Макмиллан ва ма'ъмурият вакили кутиб олди. Улар совет меҳмонларига совғалар тақдим этдилар ва уларни корхонанинг иши блан таништирдилар.

Ҳиндистон — дун'ёда жут тайёрловчи ва экспорт қилучи энг катта мамлакатдир. 1952—1953 йилда ишлаб чиқарилган жут 4,6 миллион тюкка етди. Ҳиндистон шу давр ичида 730 минг тонна жут буюмлар экспорт қилди. Мамлакатда 104 жут фабрикаси бўлиб, буларда 270 минг ишчи ишламоқда. Фабрикаларнинг кўпчилиги Калькутта районидадир. Хоурда 1892 йилда қурилган жут фабрикалари ана шу хилдаги энг йирик корхоналарнинг биридир. Бу фабрикаларда 1940 станок бор. Бу станокларнинг кўпи энг янги модельларга мувофиқ ишланган. Фабрикалар қараб чиқилган вақтда ишчилар Н. А. Булганин блан Н. С. Хрушчевни қарсаклар блан табрикладилар.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев жут фабрикаларини кўриб чиққанларидан кейин ботаника паркига борадилар. Калькуттанинг 1787 йилда барпо қилинган ботаника парки Осиёдаги энг катта парждир. Парк майдони салкам 70 гектар ерни эгаллайди. Паркда Ҳиндистондаги ва ер юзининг ҳамма қит'аларидаги ўсимликларнинг 12 минг хили бор. Бу парк йирик илмий марказ ҳамдир. Парк гербарийларида 2,5 миллион хил ўсимлик тўпланган. Илмий кутубхонада 30 минг том китоб бор.

Н. А. Булганин блан Н. С. Хрушчевни парк директори профессор Чаттержи кутиб олди. Чаттержи уларга паркни кўрсатади ва изоҳлар беради. Жуда катта баньян дарахти совет меҳмонларининг э'тиборини жалб этади. Бу дарахт тепасининг қалинлиги 440 метр бўлиб, баландлиги 32 метрга етади.

Н. А. Булганин, Н. С. Хрушчев ва уларнинг ҳамроҳлари ботаника паркини кўриб чиққанларидан кейин, Ғарбий Бенгалия штати ҳукуматининг резиденцияси Раж Бхаванга қайтиб келдилар. Резиденцияга келиш йўлида Калькуттанинг кўчаларига тўпланган жуда кўп кишилар совет меҳмонларини қизғин табрикладилар.

* * *

КАЛЬКУТТА, 30 ноябрь. (ТАСС). Ҳиндистон Республикасининг Бош министри Жавоҳарлал Неру бугун самолётда Деҳлидан Калькуттага келди.

КАЛЬКУТТА АҲОЛИСИНИНГ Н. А. БУЛГАНИН ВА Н. С. ХРУШЧЕВ ШАРАФИГА МИТИНГИ

КАЛЬКУТТА, 30 ноябрь. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси Н. С. Хрушчевнинг Калькуттага келганлиги шарафига бугун буерда шаҳар аҳолисининг оммавий митинги бўлди.

Митинг бошланишидан анча илгари шаҳар кўчалари одамлар блан лиқ тўлди. Улар митингда қатнашиш учун шаҳар марказига қараб йўл олдилар. Митинг бўладиган катта майдон одамлар блан лиқ тўлган эди. Буерга Калькутта ва унинг атроф-теварагидаги аҳолидан 2 миллиондан ортиқ киши тўпланди. Митинг қатнашчилари орасида Ғарбий Бенгалия штати ҳукуматининг а'золари, қонун чиқаручи мажлисининг а'золари, штатнинг кўзга кўринган жамоат ва сиёсий арбоблари, консуллик корпусининг а'золари ва бошқа расмий кишилар бор эди.

Соат 14 дан 50 минут ўтди. Гулдурос табриклар узоқ жойлардан эшитилиб туради. Калькутта аҳолиси митингга қараб йўл олган Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевни ҳамда Ҳиндистон Республикасининг Бош министри Ж. Неруни табриклайди.

Улар гулдурос қарсаклар ва табрик хитоблари садолари остида майдоннинг ўртасидаги трибунага чиқадилар. Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев митингга тўпланган шаҳар аҳолисини табриклайдилар.

Калькутта шаҳрининг мэри Сатиш Чандра Гхош фахрий меҳмонларнинг бўйинларига гулчамбарлар тақади.

Ҳиндистон Республикасининг Бош министри Жавоҳарлал Неру митингни очади. Жавоҳарлал Неру Калькуттада бундай катта халқ митинги илгари ҳеҳқачон бўлмаган эди, деб та'кидлайди.

Шаҳар мэри С. Ч. Гхош Калькутта аҳолисининг СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси Н. С. Хрушчевга баришлаган табрикномасини ўқиб беради.

Калькутта аҳолисининг табрикномаси

Совет Иттифоқининг бош министри Н. А. Булганин жаноб олийларига ва улуғ совет раҳбари Н. С. Хрушчев жаноб олийларига. Улар узоқ-узоқ йиллар умр кўрсинлар.

Фахрли ва азиз меҳмонлар.

Биз сизларни қизғин табриклаймиз. Шарқнинг ана шу олижаноб шаҳри сизларни очиқ кўнгил блан ва самимий садоқат ҳамда ҳурмат туйғулари блан табриклайди. Худди шуерда ўтмишнинг ҳал қилучи даврида ғарб цивилизацияси бизнинг маданиятимизга биринчи марта та'сир кўрсатган эди. Шундан кейин Ҳиндистон ўз тарихининг янги бобини бошлади ва унинг дарвозалари ғарбий дун'ёнинг идеялари учун кенг очиб қўйилди. Сизлар Ғарбдан янги сиёсий системанинг вакиллари бўлиб келдингиз ва биз сизларни табриклаймиз. Сизлар бир мақсадни кўзлаб қат'ий ҳаракат қилаётганлигингиз туфайли ўз ниятингизга эришмоқдасиз. Ана шу бир мақсадга интилиш ва қат'ият ҳеҳқачон сусаймайди. Ҳиндистон сизларни самимий ҳурмат қилади.

Янги тартиб яратучилар.

Инсоният ўз тарихининг энг бошиданоқ ҳаётнинг янги йўлларига интилди ва янги социал системаларни тажриба қилиб кўрди. Ҳиндистон тинмай йўл қидириб, ҳеҳқачон орқада қолмади. Ҳиндистон тарихининг саҳифаларини ўндаги юзларча улуғ кишиларнинг ҳаёти бойитади. Ҳиндистон узоқ вақт зўр бериб ҳаракат қилиш йўли блан ниҳоят ўз мақсадига эришди, индивидуал эркинлик ва сабр-тоқат қилиш идеалига эришди. Ҳиндистон индивидуумнинг энг кўп даражада эркин бўлишига ишонади, чунки Ҳиндистон шундай эркинлик бўлганидагина шахснинг камолатига эришиш мумкин, деб ҳисоблайди шу блан бирга, Ҳиндистон бошқача система ва идеалларга амал қилучи турли мамлакатлар ҳам бўлиши мумкин эканлигини англайди. Сабр-тоқат ҳинд маданиятига йўл очиб берган калитдир. Бу маданият яккаягона бўлса ҳам, унга олиб келадиган йўллар турличадир. Ҳиндистон совет халқининг олдий қишининг фаровонлигини ошириш йўлида зўр ғайрат блан қилаётган ҳаракатини э'тироф этади. Сизларнинг бу ҳаракатингиз муваффақият блан тугаллансин!

Азиз дўстлар!

Халқлар ўртасидаги, миллатлар ўртасидаги дўстлик ва муҳаббат воситалари жуда ёқимли бир нарсадир! Лекин шунга қарамай бизларнинг ҳаммамиз ҳозирги кунда дун'ёдаги вазият кескинлашганлигини, дун'ё курашдан азоб чекаётганлигини ва уруш ваҳимаси блан қопланганлигини кўриб турибмиз. Бизнинг улуғ раҳбаримиз Пандит Жавоҳарлал Неру нажот йўлини кўрсатиб берди. Бу йўл тотув бўлиб яшаш принципини, «панча шила» принципини қабул қилишдан иборат. Ҳарбир миллат ўзининг ҳаёт образига амал қилаберсин ва ўз тақдирини бошқаларнинг аралашувидан ташқари ҳал этаберсин. Ҳиндистон қудратли Совет Иттифоқининг бу идеяга қўшилганлигидан мамнундир. Ҳиндистон блан Совет Иттифоқи ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланаберсин ва уларнинг бутун дун'ёда тинчлик йўлида биргаликда қилаётган ҳаракатлари ўз самараларини бераберсин, дун'ё тамомила вайрон бўлиш даҳшатларидан ҳалос бўлсин!

Яшасин Совет Иттифоқи!

Джай ҳинд (яшасин Ҳиндистон)!

* * *

Табрикноманинг охирги сўзлари митингдагиларнинг гулдурос қарсаклари блан қопланади.

Мэр Гхош шаҳар аҳолиси номидан Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевга табрикнома текстларини тақдим этади ва Бенгалиянинг моҳир мастерлари фил суягидан ишлаган буюмларни уларга совға қилиб топширади.

Шундан кейин митингда раислик қилучи Ж. Неру СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси Н. С. Хрушчевга сўз беради. Митинг қатнашчилари Н. С. Хрушчевни узоқ давом этган гулдурос қарсаклар ва табрик хитоблари блан кутиб оладилар.

Н. С. Хрушчев нутқи

Ғарбий Бенгалиянинг ҳурматли губернатори, доктор Мукержи!

Ғарбий Бенгалиянинг ҳурматли бош министри, доктор Рой!

Калькутта шаҳрининг ҳурматли мэри, Гхош жаноблари!

Калькуттанинг қадрли граждан лари! **(Қарсаклар).**

Бизни, сизнинг бегараз дўстингиз ва ва биродарингиз бўлган Совет Иттифоқининг вакилларини ғоят самимий, дўстона кутиб олганлигингиз учун сизларга ташаккур билдиришга ижозат бергайсиз! **(Гулдурос қарсаклар).**

Биз, мамлакатингизда бўлган қисқа вақт ичида ҳинд халқининг Совет Иттифоқи халқлари блан дўстликни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантиришни астойдил истаётганлигига қаноат ҳосил қилдик. Бу дўстликнинг чуқур илдизлари бор. **(Қарсаклар).**

Халқларимиз тарихий тақдирининг бирбирига ўхшаш жойлари кўп. Шу сабабдан бир-биримизнинг фикримизни англашимиз енгилдир. Ўтмишда озодлик ва мустақиллик учун олиб борилган курашдаги мақсадларимизнинг бирлигигина эмас, балки ҳозирги пайтдаги ва келажакдаги мақсадларимизнинг бирлиги ҳам бизнинг дўстлигимизга асосдир.

Кўп аср мобайнида давом этган мустамлака зулмидан озод бўлиб, мустақил тараққиёт йўлига ўтган Ҳиндистон халқлари олдида мустақил миллий тараққиётнинг, янги ҳаёт барпо қилишнинг ажойиб истиқболлари очилди.

Ҳиндистон ўзининг сиёсий эркинлигини курашиб қўлга киритди. Бунинг натижасида улуғ мамлакатингизнинг тараққий этиши учун замин вужудга келтирилди.

Жаҳон мустамлакачилик системасини қат'ий штурм қилишга отланиб, жуда катта ғалабаларга эришган Осиё халқларининг бирдамлиги бизни айниқса қувонтирмоқда.

Ҳаммамизнинг дўстимиз ва биродаримиз улуғ Хитой халқлари тарихий ғалабаларга эришдилар. **(Қарсаклар).**

Улуғ Ҳиндистон сиёсий мустақилликни курашиб қўлга киритди! **(Қарсаклар).**

Осиёнинг бошқа халқлари ҳам манфур мустамлакачилик зулмидан озод бўлмоқдалар. Улар ўзларининг ички ишларига бошқа давлатларнинг аралашувига йўл қўймайдиган ўзларининг тараққиёт йўлларини танлаб олмоқдалар. Биз, ана шу буюк ишда мазкур мамлакатларнинг халқларини табриклаймиз.

Соғлом танага кана каби ёпишиб олиб, уни сўраётган мамлакатлар ҳали ҳам бор. Мен бунда Португалияни кўзда тутаман. Португалия Гоадан чиқиб кетишни, Ҳиндистоннинг ана шу қонуний территориясини ўз ҳукмронлигидан бўшатиб беришни истамаётир. **(Қарсаклар).**

Аммо, бирор кун ана шу воқеа содир бўлади ва Гоа ажнабийлар ҳукмронлигидан озод бўлиб, улуғ Ҳиндистон Республикасига унинг таркибий бир қисми бўлиб киради. **(Гулдурос қарсаклар).**

Осиё халқларининг бирдамлиги жаҳон мустамлака системасига ўлим зарбаси беради.

Биз, машҳур Калькуттада — Ғарбий Бенгалиянинг марказида турибмиз. Калькутта Ҳиндистоннинг мустақиллиги учун курашда Ҳиндистоннинг бошқа ҳарқандай штатига қараганда кўпроқ қурбон берган. **(Гулдурос қарсаклар).**

Калькутта жамоатчилиги Ҳиндистоннинг мустақиллиги учун курашда ўз ролини жуда яхши англади. Биз, Калькуттани хурсандчилик блан табриклаймиз, унга Совет Иттифоқи халқларининг ғоят самимий саломини топшириш блан хурсандмиз **(қарсаклар)** ва азиз дўстларимиз, ўз жонажон давлатингизни мустаҳкамлашда сизларнинг муваффақият қозонишингизни хурсандчилик блан истаймиз. **(Гулдурос қарсаклар).**

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ И. С. КРУГЛОВНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ И. С. Кругловнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятига эллик йил тўлганлиги муносабати блан ва унинг революцион ҳаракатда иштирок қилганлигини тақдирлаб, ўртоқ Иван Сергеевич **Круглов Ленин** ордени блан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиуми Секретарининг Ўринбосари А. ГОРКИН.

Москва, Кремль.
1955 йил, 30 ноябрь.

ХАЛҚАРО ДЕМОКРАТИК ХОТИН-ҚИЗЛАР ФЕДЕРАЦИЯСИ ШАРАФИГА

Ўзбекистон пойтахтининг жамоатчилиги Халқаро демократик хотин-қизлар федерациясининг ўнйиллигини нишонлади.

Ана шу шонли кунни нишонлаш учун 1 декабрьда Тошкентда хотин-қизлар активининг йиғилиши бўлди. Бу йиғилиш Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар Совети ижроия комитети томонидан ўтказилди. Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг а'зоси, СССР халқ артисти С. Эшонтўраева «Халқаро демократик хотин-қизлар федерациясининг ўнйиллиги» тўғрисида доклад қилди.

Пионерлар йиғилиш қатнашчиларини табрикладилар.

Йиғилиш қатнашчилари баланд руҳ блан Халқаро демократик хотин-қизлар федерациясига табрикнома қабул қилдилар. (УзТАГ).

КАЛЬКУТТА АҲОЛИСИНИНГ Н. А. БУЛГАНИН ВА Н. С. ХРУШЧЕВ ШАРАФИГА МИТИНГИ

Н. С. Хрушчев нутқининг охири

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Халқ жонажон мамлакатининг курашиб қўлга киритилган мустақиллигини мустаҳкамлашдан иборат буюк иш учун курашган пайтда унинг битмас-туганмас кучлари рўёбга чиқажаги мамлакатимизнинг тажрибасидан бизга ма'лум. Бутун халқимиз ўзининг қудратли индустриясини вужудга келтирди. Бизга ҳеч ким ёрдам бермади. Бундан ташқари, капиталистик давлатлар бизга ҳарқандай йўллар блан зарар етказдилар.

Аммо, биз ўзимизнинг барча ички резервларимиздан фойдаланиб, мустаҳкам социалистик давлатни барпо қилдик.

Эндиликда бизнинг қудратли саноатимиз бор. Бу саноат халқ хўжалигимизни ривожлантиришда катта муваффақиятларни қўлга киритишимиз учун имконият беради.

Биз, ҳарқандай буюк давлатнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш асосларининг асоси бўлган ватан саноатингизни ривожлантиришда муваффақият қозонишингизни чин кўнгилдан истаймиз. **(Қарсаклар).**

Ўзингизнинг кучли саноатингизни ривожлантириш учун сизнинг жуда кўп имкониятларингиз бор — сизда хомаш'ё базаси кўп, сизнинг меҳнатсевар ва талантли халқингиз бор. Сизларнинг тажрибаларингиз кам, албатта. Лекин биз бу тажрибаларни сизлар блан баҳам кўришга, сизларга зарур техника билими беришга тайёрмиз. **(Қарсаклар).**

Биз, ўз индустриямизни вужудга келтирабошлаган пайтда бизнинг бундай дўстларимиз йўқ эди. Аммо, биз ҳамма қийинчиликларни бартараф қилиш учун ўзимизда куч топдик. Биз, Ҳиндистоннинг ўзининг кучли саноатини вужудга келтиражагига аминмиз.

Совет ҳокимиятининг биринчи йилларидаёқ улуғ Ленин социалистик ва капиталистик системаларнинг тинч тотув бўлиб яшаш идеясини илгари сурган эди. Улуғ Ленин социалистик давлат доим ўсиб ва мустаҳкамланиб боради ва капиталистик давлатларнинг хоҳлашлари ёки хоҳламасликларидан қат'ий назар, улар Совет мамлакати блан савдо-сотиқ қилишга, бизнинг мамлакатимиз блан маҳкам иқтисодий алоқа боғлашга мажбур бўладилар, деган эди. Биз, совет кишилари давлатлар ўртасида, улардаги сиёсий тузумнинг қандай бўлишидан қат'ий назар, доим тинч муносабатлар ўрнатиш, катта ва кичик мамлакатларнинг мустақил ривожланиши, уларнинг территориал бутунлигини ҳурмат қилиш, бир турли давлатларнинг бошқа давлатлар ички ишларига аралашмаслиги тарафдори бўлиб келдик ва ҳозирда ҳам бунга тарафдормиз. Шу сабабдан, биз, Ҳиндистон Бош министри Неру жаноблари блан улуғ Хитой халқининг вакили Ўртоқ Чжоу Эньлай имзолаган декларацияда э'лон қилинган беш принципни ғоят ма'қулламоқдамиз. **(Қарсаклар).** Ана шу беш принцип бизнинг ташқи сиёсатимизга мувофиқ келади ва биз Совет Иттифоқи блан Ҳиндистон Республикаси ўртасида биргаликда чиқарилган декларацияни имзолаб, ана шу принципларни батамом қўллаб-қувватладик. **(Қарсаклар).**

Дўстлар!

Мамлакатларимизнинг тинч ижодий меҳнат блан банд бўлган халқлари тинчликнинг сақланиши ва мустаҳкамланишидан астойдил манфаатдордирлар. Ҳиндистон ва совет халқлари ўртасидаги дўстлик тинчлик йўлидаги курашда ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда.

Мамлакатларимиз халқларининг ҳарбири ўз йўлидан бориб, ўзининг порлоқ истиқболи учун курашмоқда.

Мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлаш, тажрибаларни ўзаро баҳам кўриш ва иқтисодий ҳамда маданий алоқаларни кенг ривожлантириш уларнинг ўз олдиларига қўйган олижаноб мақсадларга тезликда эришишга ёрдам беради.

Бизнинг дўстлигимиз Ҳиндистон ва Совет Иттифоқи халқларини моддий ва ма'навий жиҳатдан бойитади.

Аммо, Ҳиндистон ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстлик ба'зибировларга ёқмаётир ва улар ана шу дўстликни бузишдан қайтмас эдилар. Ба'зи давлатларнинг муайян доиралари шу йўлда нима учун уриниб кўраётганликлари бизга аёндир. Халқлар ўртасидаги дўстлик бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам бераётганлиги сабабли, улар бу дўстликдан кўрқмоқдалар.

Биз ўз идеяларимизни, ўз ҳаёт образимизни ба'зи давлатларнинг ҳукуматлари қилаётганидек, бошқа мамлакатларга ҳеч қачон зўрлаб қабул қилдирганимиз йўқ ва зўрлаб қабул қилдиримаймиз. Биз бошқа мамлакатлар блан ўзаро муносабатларимизда ана шу халқларнинг ўзлари танлаб олган ҳаёт образини ўзаро ҳурмат қилишга асосланамиз.

Биз қурол-яроғларни камайтириш учун, атом ва водород қуролларини тақиқлаш учун курашмоқдамиз. **(Қарсаклар).** Аммо, афсуски, ғарб давлатлари бу ишда бизни лозимича қўллаб-қувватламаётирлар. Уларнинг шундай қилишни истамаётганликларига сабаб шуки, монополиячилар зўр бериб қуролланиш орқасида бойимоқдалар. Улар қурол-яроғларни камайтиришни хоҳламайдилар ва шу сабабдан, мудофаа эҳтиёжларига кўп маблағ сарф этиш учун бизни мажбур қилишга интилмоқдалар. Уларнинг бундан кузатган мақсади халқ хўжалигимизни тинч ривожлантириш учун кўпроқ маблағ сарф қилишимизга, иқтисодий жиҳатдан оз тараққий этган мамлакатларга ёрдам беришимизга имконият туғдирмасликдир.

Бизнинг вазифамиз реакция кучларига актив та'сир кўрсатишдан, атом қуролини тақиқлашга эришишдан иборат. Биз, қуролсизланиш устидан контроль ўрнатиш тарафдоримиз, аммо, ўйдирма контроль эмас, балки чинакам контроль ўрнатиш тарафдоримиз. **(Қарсаклар).**

Сизнинг ана шу ажойиб шаҳрингизда бўлиш биз учун жуда ёқимлидир, чунки бу шаҳар Ҳиндистоннинг энг йирик саноат ва маданий марказларидан биридир. Бизнинг буерда бўлишимиз яна шунинг учун ҳам ёқимлики Калькутта бенгал халқининг улуғ фарзанди, гениал ёзучи ва жамоат арбоби Рабиндранат Тагор туғилган жойдир. **(Қарсаклар).** Рабиндранат Тагор Совет Иттифоқининг самимий ва содиқ дўсти эди. **(Қарсаклар).** Совет халқи уни ғоят ҳурмат қилади ва унинг асарларини севади. **(Қарсаклар).**

Ватандошимиз Герасим Лебедев сизнинг шаҳрингизда яшаган ва ишлаган эди. Герасим Лебедев 1795 йилда ҳинд интеллигенциясининг илғор вакиллари блан биргаликда биринчи Бенгалия театрини ташкил этган эди.

Биз, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқанинг ўсиши ва мустаҳкамланишини, кишиларингизнинг бизнинг мамлакатимизга тез-тез келиб туришларини истар эдик. Улар бизнинг мамлакатимизда доим самимий ва шодиёна кутиб олинадилар. **(Қарсаклар).**

Азиз дўстлар, бизни ғоят самимий ва шодиёна кутиб олганлигингиз учун сизларга яна бир марта ташаккур изҳор қилишга ижозат бергайсиз. Биз буни сизнинг Совет Иттифоқи халқларига нисбатан муҳаббатингизни изҳор этучи далил деб қабул қиламиз, биз ана шу муҳаббат блан ғоят фахрланамиз. Ҳиндистон халқлари блан Совет Иттифоқи халқлари биродарлардир! **(Гулдурос қарсаклар).**

Биз, отоқли давлат арбоби ва сиёсий арбоб Жавоҳарлал Неру жанобларига ғоят самимий ташаккуримизни изҳор қиламиз. Биз уни чин кўнгилдан самимий ҳурмат қиламиз. **(Қарсаклар)** ва бизни сизнинг мамлакатингизга келишга, мамлакатингизнинг ҳаёти блан, Ҳиндистоннинг ажойиб халқи блан танишишга таклиф этгани учун унга яна бир марта ташаккур изҳор қилишни истаймиз.

Ҳиндистон ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик мустаҳкамлансин ва ривожлансин. **(Қарсаклар).**

Яшасин бутун дун'ёда тинчлик! **(Гулдурос қарсаклар, табрик хитоблари).**

* * *

Шундан кейин Ҳиндистон Республикасининг Бош министри Ж. Неру нутқ сўзлайди.

Жавоҳарлал Неру нутқи

Бизнинг ҳурматли меҳмонларимиз 12 кун муқаддам Деҳлига келган эдилар ва бизнинг халқимиз уларни самимий табриклади. Шундан кейин улар Ҳиндистоннинг бошқа районларига саёҳат қилдилар, бизнинг машҳур шаҳарларимиздан ба'зиларига бордилар ва қишлоқ жойларимизни кўрдилар. Ҳозир улар шаҳарларимиз ичида энг катта шаҳар бўлган буерга келдилар ва сизлар уларни зўр дабдаба блан кутиб олдингиз. Бу блан сизларни табриклайман, аммо, мен сизларнинг бундай қилаётган дабдабангиз интизомлироқ бўлишини истар эдим.

Бизнинг меҳмонларимиз ба'зи муваффақиятларимизни ва мамлакатимизда қилаётган ишларимизни кўрдилар ва халқимизнинг руҳини билиб олдилар, мен ҳам бундан беш ой муқаддам Совет Иттифоқига борганимда уларнинг улуғ муваффақиятларини кўрган эдим ва мени ҳам совет халқи ўшанда табриклаб кутиб олган эди. Шу тариқа биз бир-биримизни яхшироқ билиб ва тушуниб олдик, шунинг учун ҳам орамиздаги дўстлик мустаҳкамланаберади.

Ҳамма жойда меҳмонларимиз «Панча шила» (тинч тотув бўлиб яшаш) принципларини та'кидлаб келдилар ва шу принципларга ўзларининг розиликларини билдирдилар. Бу беш принцип бошқа мамлакатлар блан қилаётган муносабатларимизнинг асосидир, шунинг учун биз аминмизки, шу асосда мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар соғлом, тинч ва ҳамкорлик руҳидаги муносабатлар бўлади, чунки бундай муносабатлар тенгликка, бир-бирини ҳурматлашга ва тинч тотув бўлиб яшашга асосланган муносабатлар бўлиб, агрессияга ҳамда бир-бирининг ички ишларига аралашишга йўл қўймайди. Бир мамлакат иккинчи мамлакат устидан ҳукмронлик қилганида ёки бошқа мамлакатнинг ички ишларига аралашганда, конфликт туғилади. Агар беш принципни ҳамма мамлакатлар тўла равишда ва сидқидил блан қабул қилганларида эди, у ҳолда ҳаммажойда тинчлик та'минланган бўлур эди ва ҳамкорлик рўёбга чиққан бўлур эди.

Бундан ҳамма мамлакатлар бир-бирига ўхшаш бўлиши лозим ёки бирхилдаги сиёсат ўтказиши лозим, деган ма'но чиқмайди. Бунинг ма'носи шуки, ҳарқайси мамлакат ўзи лозим топган тарзда эркин ривожланмоғи ва айни вақтда бошқа мамлакатлар блан дўст бўлмоғи лозим. Ҳиндистон блан Совет Иттифоқининг сиёсий ва иқтисодий тузилишлари турличадир. Лекин шундай бўлса ҳам, бизлар бир-биримизга дўст мамлакатларміз ва кўпгина соҳаларда ҳамкорлик қилмоқдамиз, чунки биз бир-биримизнинг эркинлигимизни ва яшаш тартибимизни ҳурматламоқдамиз ва бир-биримизнинг ишимизга аралашишни истамаймиз.

Тинч тотув бўлиб яшаш Ҳиндистонда биз учун янги идея эмас. Тинч тотув бўлиб яшаш бизнинг яшаш тартибимиз бўлиб келган ва бизнинг тафаккуримиз ҳамда маданиятимиз сингари қадимий бир нарсадир. Бундан 2.200 йил муқаддам Ҳиндистоннинг улуғ фарзанди Ашока бу идеяни э'лон қилган ва уни тоғ тошига ўйиб ёзган эди, бу тош ҳозир ҳам бор ва у, Ашоканинг шу ёзган сўзларини бизга етказган. Ашока бизга айтган эдики, биз бошқаларнинг э'тиқодини ҳурматлашимиз лозим, ўз э'тиқодини мақтаб, бошқаларнинг э'тиқодини камситучи киши ўз э'тиқодига зарар етказади. Бу — бошқаларнинг э'тиқодига дахл қилмасликнинг ҳамда тинч тотув бўлиб яшаш ва ҳамкорлик қилишнинг сабоғидирки, Ҳиндистон кўп асрлар давомида шу сабоққа амал қилиб келди. Ҳозирги вақтда биз иқтисодий ва социал системалар тўғрисида кўпроқ гапирмоқдамиз. Бироқ, бу соҳада тутилаётган Ж. Неру нутқининг охирида гулдурос қарсаклар остида Ҳиндистон блан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстлик шарафига, бутун дун'ёда тинчлик шарафига табрик хитоблари айтади.

Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон Республикаси Давлат гимнларининг садолари тантанали суратда янграйди.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев митинг қатнашчиларининг гулдурос қарсаклари ва табриклари остида оқ каптарларни учирадилар.

Митинг тамом бўлди. Лекин Совет Иттифоқидан келган меҳмонлар шарафига, Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстлик шарафига табрик хитоблари узоқ вақт эшитилиб турди.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Калькуттада бўлиши

КАЛЬКУТТА, 30 ноябрь. (ТАСС). Бугун кечқурун СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва ССР Иттифоқи Олий Совети Президиумининг а'зоси Н. С. Хрушчев кўланка театрида Удай ва Амала Шанкар труппасининг спектаклида ҳозир бўлдилар.

Концертда совет томонидан Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг ҳамроҳлари, Ҳиндистон томонидан Ҳиндистон бош министри Неру, Ғарбий Бенгалия штатининг бош министри Б. Ч. Рой, Ғарбий Бенгалия штати ҳукуматининг а'золари ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Кўланка театри Бенгалия халқ театридир. Бу театрда актёрлар ўйнайдилар. Аммо, катта экранда уларнинг катта ёки кичкина қилиб кўрсатилган сояларигина кўринади. Бу эса, ўзига хос манзарани вужудга келтиради.

Ҳинд эпоси «Рамаяна» мотивига мувофиқ ишланган «Рамлила» драмаси кўрсатилди.

Спектакльдан кейин Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев залдагиларнинг қарсаклари остида саҳнага чиқдилар ва ажойиб тамоша учун артистларга ташаккур изҳор қилдилар ва уларга гуллар тақдим этдилар.

* * *

Бугун кечқурун Ғарбий Бенгалия штатининг губернатори Мукержи Калькуттада меҳмон бўлиб турган СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси Н. С. Хрушчев шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда совет томонидан Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Ҳиндистон сафарида уларга ҳамроҳ бўлган кишилар ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда Ҳиндистон Республикасининг Бош министри Жавоҳарлал Неру, Ғарбий Бенгалия штатининг бош министри Б. Ч. Рой, Ғарбий Бенгалия ҳукуматининг а'золари ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар. Зиёфат вақтида қадаҳ кўтарилди.

Б. Ч. Рой СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошиловнинг соғлигига қадаҳ кўтарди. Бунга жавобан Н. А. Булганин Ҳиндистон Республикасининг Президенти Раджендра Прасаднинг соғлигига қадаҳ кўтарди.

Оркестр СССР ва Ҳиндистон Республикасининг давлат гимнларини ижро этди. Б. Ч. Рой меҳмон бўлиб келган Н. А. Булганин блан Н. С. Хрушчевнинг соғлигига қадаҳ кўтарди.

Бунга жавобан Н. А. Булганин Ҳиндистон Бош министри Ж. Нерунинг, Ғарбий Бенгалия штатининг губернатори Мукержининг ва ғарбий Бенгалия штатининг Бош министри Б. Ч. Ройнинг соғлигига қадаҳ кўтарди.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев Калькуттадан жўнаб кетдилар

КАЛЬКУТТА, 1 декабрь. **(ТАСС махсус-мухбири).** СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси Н. С. Хрушчев бугун эрталаб Калькуттадан Бирма пойтахти — Рангунга жўнаб кетдилар. Улар блан бирга уларнинг ҳамроҳлари: армия генерали И. А. Серов, СССР Ташқи Ишлар министрининг биринчи ўринбосари А. А. Громико, СССР ташқи савдо министрининг ўринбосари П. Н. Кумикин, СССР Қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари Ж. Р. Расулов, Ўзбекистон ССР Маданият министрининг ўринбосари З. Раҳимбобоевалар ҳам жўнаб кетдилар.

Аэродромда Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевни Ҳиндистон Республикасининг Бош министри Ж. Неру, Ғарбий Бенгалия штатининг губернатори Мукержи, Ғарбий Бенгалия штатининг бош министри Б. Ч. Рой, штат ҳукуматининг а'золари, Ҳиндистоннинг СССРдаги элчиси К. П. Ш. Менон, консуллик корпусининг а'золари ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевни СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси М. А. Меньшиков, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Рашидов, СССР Маданият министри Н. А. Михайлов ва Калькуттадаги совет муассасаларининг ходимлари ҳам кузатиб қолдилар.

Аэродромда фахрий қоровул саф тортиб турди ҳамда СССР ва Ҳиндистон Давлат гимнлари ижро этилди.

Калькуттанинг юз мингларча аҳолиси эрталаб барвақт бўлишига қарамай Ғарбий Бенгалия ҳукуматининг резеденциясидан то аэродромгача бўлган йўлга чиқадилар ва қадрли совет меҳмонларини — Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевни қизғин кузатиб қолдилар.

Мамлакатимиз меҳнаткашлари С. М. Киров хотирасини нишонлади

Мамлакатимиз меҳнаткашлари Сергей Миронович Киров халқ душманлари томонидан ваҳшийларча ўлдирилганлигига 21 йил тўлган кунни нишонлади. Клубларда, кутубхоналарда Коммунистик партия ва Совет давлатининг отоқли арбоби С. М. Киров хотирасига бағишланган виставкалар ташкил қилинди.

Москва шаҳар Киров район партия комитетининг партия кутубхонасида катта виставка ташкил қилинди. Бу ерга районнинг фабрика ва заводларидан докладчилар консультация олиш учун келмоқдалар. Районнинг барча йирик корхоналари —«Парижская Коммуна» фабрикаси, Краснохольм мовут комбинати, Сталин номидаги химия заводи ва бошқа корхоналар цехларида С. М. Киров тўғрисида докладлар ва суҳбатлар ўтказилди.

Ленинграднинг корхоналарида, муассасаларида, ўқув юртларида ҳамда область колхозлари, МТС ва совхозларида С. М. Кировнинг ҳаёти ва революцион фаолияти тўғрисида 30 ноябрьда докладлар ва суҳбатлар бўлиб ўтди. Сергей Миронович тез-тез бўлиб турган Киров номли заводнинг кекса ишчилари ёшларга ўзларининг Киров блан учрашганликлари тўғрисида ҳикоя қилиб бердилар. Шу кунларда С. М. Киров музейини келиб кўраётган кишилар сони кўпайди. Музейни минглаб ленинградлилар келиб кўрдилар. Улар орасида С. М. Киров номли «Электросила» заводи, «Рабочий» фабрикаси, Сталин номидаги металлургия заводи ва бошқа корхоналарнинг меҳнаткашлари бор эди.

Киевдаги КПСС номидаги область кутубхонасида С. М. Кировга бағишланган виставка очилди. Шаҳардаги кўпгина район кутубхоналарида ҳам китоб виставкалари очилди. В. И. Ленин номидаги Марказий музей филиалига ва давлат тарих музейига келган кўпсонли экскурсантлар Ленин ва Сталиннинг содиқ сафдоши С. М. Кировнинг революцион ва давлат фаолияти тўғрисидаги материаллар блан танишдилар.

Томскдаги корхоналарда, муассасаларда ва олий ўқув юртларида С. М. Кировга бағишланган суҳбатлар ўтказилди. Кекса Сибирь шаҳри Томскнинг революцион ўтмиши революциянинг оташин трибуни С. М. Киров номи блан яқиндан боғлангандир.

А. С. Пушкин номидаги Давлат халқ кутубхонасида (Олма-ота) С. М. Киров хотирасига бағишланган иллюстрацияли катта виставкаси очилди. **(ТАСС)**

Совет архитекторларининг Иккинчи Бутуниттифоқ с'езди

Совет архитекторларининг Иккинчи Бутуниттифоқ с'ездида докладларни муҳокама қилиш давом этмоқда. 30 ноябрьдаги музокараларда биринчи бўлиб Коми АССР Министрлар Совети ҳузуридаги Архитектура ишлари бошқармасининг бошлиги **Л. И. Асташев** сўзга чиқди. У айтдики, республикада уй-жой қурилиши кўлами йил сайин кўпайиб бормоқда. Ҳозирги вақтда шаҳарларда қурилаётган уйларнинг умумий майдони 100 минг квадрат метрни ташкил этади. Кўпгина маданий-маиший ва саноат бинолари ҳам қурилмоқда.

Сўнгра Ўртоқ Асташев дедики, асосан Москвада ва Ленинградда жойлашган проектлаш ташкилотлари кўпинча бизларга маҳаллий хусусиятларни назарга олмасдан ишлаб чиқилган бино ва иншоот проектларини юборадилар. Архитектура ва қурилиш соҳасида ишлаётган марказий раҳбарлик органлари маҳаллий проектлаш ва қурилиш ташкилотлари блан яқинроқ алоқа ўрнатишлари ҳамда уларга амалий ёрдам бериб туришлари лозим.

Белоруссия ССР Министрлар Совети Қурилиш ва архитектура ишлари давлат комитетининг раиси **В. А. Король** қурилишларда индустриал иш методлари борган сари кенгроқ жорий қилинаётганлиги, тежамли материаллар тобора кўпроқ қўлланилаётганлиги ҳақида сўзлаб берди.

Сўнгра нотиқ республиканинг архитекторлари томонидан йўл қўйилган ортиқчаликларга тўхталди.

Литва ССР Совет архитекторлари союзи правлениесининг мас'ул секретари **Я. А. Кумпис** айтики, урушдан кейинги йилларда Литванинг архитекторлари ва биноқор-инженерлари республиканинг душман томонидан вайрон қилинган шаҳарларини тиклаш соҳасида катта ишлар қилдилар. Кадрлар етишмас эди, қурилиш саноати йўқ эди, транспорт воситалари етишмас эди, деди нотиқ, лекин қардош совет республикаларининг ёрдами блан Литва шаҳарлари тез сур'атлар блан тикланабошланди.

Ўртоқ Кумпис типовой проектларнинг сифати паст бўлганлиги кўпинча улардан фойдаланиш имкониятини бермаганлигини та'кидлаб ўтди.

С'езднинг кўпгина делегатлари ва меҳмонлари Москванинг Ғарби-Жанубий районига бордилар. Буерда йирик уй-жой қурилиши олиб борилмоқда. Мосжилгорстрой трестининг бошқаручиси **М. Г. Лонтюхов** бу районда поток-жадал метод блан бинолар қуриш иши қандай ташкил қилинганлиги тўғрисида сўзлаб берди.

С'езд Мандат комиссиясининг докладини тинглади ва тасдиқлади.

Венгрия Халқ Республикаси уй-жой қурилиши проектлаш институтининг директори **Эде Фекете** сўзга чиқди. У Иккинчи Бутуниттифоқ с'езди делегатларини Венгрия ме'морлари номидан қизғин табриклайди.

Руминия Халқ Республикаси Қурилиш ишлари давлат комитетининг раиси **Никулае Бэдеску** Руминия архитекторларидан Совет ме'морларига қардошларча салом топширди.

Ростов-Дон бош архитектори **Я. А. Ребайн** ҳамма катта шаҳарларда қурилиш ва проектлаш ташкилотларини тезроқ йириклаштириш зарурлиги масаласини ўртага қўйди.

Музокараларда Горстройпроект директори **М. С. Шаронов** (Москва), Совет архитекторлари союзи Ворошиловград область бўлимининг раиси **В. А. Шарапенко** ва бошқалар ҳам сўзга чиқдилар.

1 декабрьда с'езд ўз ишини давом эттиради. (ТАСС).

1905—1907 йиллардаги революциянинг эллик йиллигига бағишланган илмий сессия

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Компартия тарихи институти 1905—1907 йиллардаги революциянинг эллик йиллигига бағишлаб 29 ноябрьда Тошкентда илмий сессия ўтказдилар. Сессиянинг ишларида олимлар, олий ўқув юртларининг ўқитучилари ва студентлари, партия ва совет ташкилотларининг вакиллари, Ўзбекистондаги революцион ҳаракат ветеранлари қатнашдилар.

Республика Фанлар академиясининг президенти Т. З. Зоҳидов қисқача нутқ сўзлаб, сессияни очди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Компартия тарихи институти директорининг ўринбосари, тарих фанлари кандидати К. И. Суворов «1905—1907 йиллардаги революциянинг халқаро аҳамияти», Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих ва археология институтининг старший илмий ходими, тарих фанлари кандидати Х. Т. Турсунов «Ўзбекистонда 1905—1907 йиллардаги революцион ҳаракат», В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетининг доценти, тарих фанлари кандидати Е. Мавлоний «Туркистонда 1905 йил революцияси даврида марксизм-ленинизм адабиётининг тарқалиш тарихилан» деган темадаги ҳамда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг бўлим мудири, иқтисодий фанлар кандидати М. Г. Пикулин «Биринчи рус революцияси ва унинг Ўрта Шарқ мамлакатларида миллий-озодлик ҳаракатининг ривожланишига та'сири» ҳақида доклад қилдилар.

Рус пролетариати ўзининг революцион намунаси блан мамлакатдаги барча миллатларнинг меҳнаткашлар оммасини чоризмга қарши курашга руҳлантирганлиги сессияда уқтириб ўтилди. Гарчи Ўзбекистонда революциянинг ривожланиши ба'зибир хусусиятларга эга бўлган бўлса ҳам, революция ўзининг характери, ҳаракатлантиручи кучлари жиҳатидан бутун Россиядаги революциядан фарқ қилгани йўқ. Ўзбекистонда 1905—1907 йиллардаги воқиалар мамлакатдаги революцион ҳаракатнинг таркибий қисми бўлди. Бу воқиалар ишчилар синфи раҳбарлиги остида, большевиклар партияси бошчилигида ривожланди.

Докладчилар тарихий фактларга асосланиб, Туркистон ўлкасидаги большевистик ташкилотларнинг 1905—1907 йиллар даврида фаолиятини муфассал ёритиб бердилар. Туркистон большевиклари улуғ Ленин идеяларига амал қилиб, партия III с'ездининг директиваларини изчиллик блан амалга оширдилар, буржуа-демократик революцияда пролетариатнинг гегемонлик қилиши учун курашдилар, революцион ҳаракатни буржуазия манфаатларига бўйсундиришга уринган меньшевикларга қарши қаттиқ кураш олиб бордилар. Туркистон большевиклари ўз ишларида Тошкент, Самарқанд ва бошқа саноат шаҳарларидаги пролетарлар оммасига таяндилар. Темирйўлчилар бу шаҳарларнинг революцион ядроси бўлди. Большевистик газеталар, В. И. Ленин ва И. В. Сталининг РСДРП маҳаллий группалари томонидан тарқатилаётган асарлари Туркистонда революцион воқиаларнинг ривожланишига жуда катта та'сир ўтказди. Ўзбекистон большевиклари томонидан нашр этилиб турган варақалар ва хитобномаларда воқиаларнинг ҳақиқий моҳияти меҳнаткашлар оммасига тушунтирилиб борди. Бу варақалар ва хитобномалар меҳнаткашлар оммасининг революцион онгини шакллантирди, оммани золимларга қарши қат'ий кураш олиб боришга руҳлантирди.

Большевиклар раҳбарлиги остида Ўзбекистонда ўтказилган бирқанча катта забастовкалар, намойишлар ва митинглар революцияни ривожлантиришда катта роль ўйнади. Июль ойида Тошкентда Булигин думасига қарши ишчиларнинг кучли намойиши бўлди. Ун минглаб меҳнаткашлар 1905 йилдаги октябрь революцион чиқишларида қатнашдилар. Бу чиқишлар Петроград ва Москва ишчиларининг Бутуниросия сиёсий стачкаси бошланишига негиз солган жанговар ҳаракатларига тўғридан-тўғри жавоб эди. Самарқанд, Қўқон, ва бошқа шаҳарлар ҳамда посёлкаларнинг ишчилари чоризмга қарши актив курашга қўзғалдилар. Маҳаллий гарнизонлардаги кўпгина ҳарбий қисмларнинг солдатлари революцион ҳаракатда қатнашдилар. Улар орасида большевикларнинг та'сири кучли эди.

Сессияда қилинган докладларда шу нарса кўрсатиб ўтилдики, Ўзбекистон большевистик ташкилотлари ўз варақаларида меҳнаткашлар оммасига Лениннинг миллий масаладаги идеяларини, мамлакатнинг шарқидаги чекка ўлкаларда яшовчи халқларнинг миллий-озодлик ҳаракатида рус пролетариатининг прогрессив роль ўйнаганлигини кенг равишда тушунтириб бердилар, халқ манфаатларига зарар етказиб, чоризм блан тил бириктиришга интилган буржуа миллатчиларнинг хоинлик ролини фош қилиб ташладилар. Большевиклар партия директиваларини бажариб, ишчилар синфининг деҳқонлар блан алоқасини мустаҳкамлашга, деҳқонларни актив сиёсий курашга тортишга интилдилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси биносида 1905—1907 йиллардаги даврда Ўзбекистондаги революцион воқиаларнинг ривожланишини акс этдиручи адабиётлар ва фотоҳужжатлар виставкаси очилди. (ЎзТАГ).

Биринчи рус революциясининг эллик йиллиги олдидан

Ўзбекистон ССР Архив бошқармаси илмий кенгашининг биринчи рус революциясининг эллик йиллигига бағишланган кенгайтирилган мажлиси бўлди.

Тарих фанлари кандидати В. В. Ершовнинг «Ўзбекистонда 1905—1907 йиллардаги революция тўғрисида», К. З. Муҳсинованинг «ЎзССР Марказий давлат тарих архивининг Ўзбекистонда 1905 йил октябрь—ноябрь ойларидаги революцион воқиаларга оид ҳужжат материаллари» ва тарих фанлари кандидати Я. М. Серийнинг «Биринчи рус революцияси тўғрисида янги ҳужжатли манба'лар» деган докладлари тинглади.

Докладларда 1905—1907 йиллардаги революция даврида Ўзбекистонда бўлиб ўтган энг муҳим воқиалар янги ҳужжатлар э'тиборга олинган ҳолда характерлаб берилди. Халқ оммасини чоризмга қарши курашга да'ват қилган бирқанча варақа ва прокламацилар чиқарган РСДРП Тошкент группасининг фаолиятини характерловчи ҳужжатлар тўғрисидаги ахборот катта қизиқиш туғдирди. 1905 йил октябрь ойида бу группа «Сиёсий стачка», «Халқ бўлган ўртоқларга абадий хотира» сингари варақалар ва прокламацияларни кўпгина нусхада чиқарган эди.

Докладларда революцион воқиаларда ўзбек ишчиларининг қатнашганлиги тўғрисида ма'лумотлар келтирилди. Масалан, 1905 йил 18 октябрьда Самарқанд мажлисидаги митингда маҳаллий миллат ишчиларининг талабларини қувватлаган ва уларнинг эксплуатация қилинишига қарши норозилик билдирган резолюция қабул қилинган эди.

Мажлисда тарих фанлари кандидати Е. Е. Бетгернинг 1905—1907 йилларда чиққан ва Навоий номли давлат халқ кутубхонасида сақланиб келаётган ҳажвий журналлар тўғрисидаги ахбороти ҳам тинглади. (ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Саноатга раҳбарликни такомиллаштирайлик

Куйбишев район партия конференциясидан

Куйбишев район партия ташкилоти ҳисобот даври ичида ташкилий жиҳатдан анча мустаҳкамланди, ғоявий жиҳатдан чиниқди. Район партия ташкилотининг саноатга, хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларига раҳбарлиги бирмунча яхшиланди. Ишлабчиқаришни юксалтириш, техника прогрессини ривожлантириш, технологияни такомиллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва сифатини яхшилашда яхши натижаларга эришилди. Район саноати бешинчи бешйиллик планни муддатидан илгари бажарди. Шу йилнинг 10 ойлик программаси ошириб бажарилди ва мамлакатга пландагидан ташқари 48 миллион сўмлик маҳсулот берилди. Маҳсулотнинг ҳажми 1950 йилдагига нисбатан 60 процент кўпайди.

Саноат корхоналарининг коллективлари ўртасида КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақа тобора кучаймоқда. 11 минг ишчи бешинчи бешйиллик планни муддатидан илгари бажарди. Икки мингдан ортиқ ишчи эса 1956—1957 йиллар ҳисобига ишламоқда.

Конференцияда ҳисобот доклади қилган район партия комитетининг секретари Ўртоқ Попов ва музокараларда қатнашган делегатлар ана шу эришилган ютуқларни қайд қилиб кўрсатдилар. Шу билан бир қаторда район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари саноатга, хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик қилишда жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилди.

Райондаги 35 корхонадан 5 таси 10 ойлик планни бажармади. «Ташсельмаш» заводи. «Ташкенткабель» заводи, гишт заводи ва 32-нчи қурилиш трести мамлакатга 23 миллион сўмлик маҳсулотни кам бердилар.

«Ташсельмаш» заводида брак маҳсулот ишлаб чиқариш ва унумсиз харажатлар кўп бўлмоқда. Иш ҳақининг ўсиши меҳнат унумдорлигининг ўсишидан олдинда бормоқда. Лекин завод партия ташкилоти (секретари Ўртоқ Тулаков) заводда юз берган ана шу жиддий аҳволга хотима бериш учун жиддий кураш олиб бормади. ма'муриятнинг хўжалик фаолияти ва ишлабчиқариш устидан қаттиқ контроль ўрнатмади, хўжалик раҳбарларидан давлат планларининг сўзсиз бажарилишини талаб қилмади. Район партия комитети эса заводни қолоқликдан чиқариш юзасидан зарур чоралар кўрмади ва завод партия ташкилотига яқиндан ёрдам бермади.

«Ташкенткабель» заводида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Заводда маҳсулотнинг 12 туридан фақат 6 тури бўйича план бажарилди. Мамлакатга 11 миллион сўмлик маҳсулот кам берилди.

Делегатлар Куйбишев райони республикамизнинг энг йирик саноат райони эканини, унда иттифоқ ва республика аҳамиятига эга бўлган ўнлаб йирик саноат корхоналари жойлашганлигини кўрсатиб, район ва шаҳар партия ташкилотларининг э'тиборини район саноатига партия раҳбарлигини тинмай кучайтириш зарур деб кўрсатдилар.

— Район ва шаҳар партия комитетлари ҳамда уларнинг бўлимлари, — деди экскаватор заводи партия бюросининг секретари Ўртоқ Иванов, — саноатга раҳбарлик қилишда корхоналарнинг партия ташкилотларига суяниб иш кўрмайдилар. Раҳбар партия ходимлари корхоналарда камдан-кам бўладилар. Улар раҳбарликнинг бюрократик, канцеляриячилик методилан ҳалигача узил-кесил воз кечганлари йўқ. Кўпроқ телефон орқали раҳбарлик қилишни яхши кўрадилар.

Делегат Ўртоқ Синягин ҳисобот докладида ютуқларга кўп ўрин берилиб, корхоналар ва уларнинг партия ташкилотлари ишидаги камчиликлар чуқур анализ қилинмаганлигини кўрсатди.

— Бизнинг заводимиз давлат планларини бажармаётир, — деди «Ташсельмаш» заводи партия ташкилоти секретарининг ўринбосари Ўртоқ Қобилов, — лекин бу ҳол район ва шаҳар партия комитетларининг секретарьларини ташвишга солмаётир. Улар заводга келиб, унинг иши билан чуқур танишмайдилар, қолоқлик сабабларини аниқламайдилар. Шаҳар ва район партия комитетларининг секретарьлари шу йилнинг ўтган 11 ойи ичида заводга бир марта ҳам келмадилар.

«Ташкенткабель» заводининг прокатчиси — делегат ўртоқ Васильев район партия комитети ва унинг бўлимлари одамлар билан жонли иш олиб бормаётганликлари, оммадан ажралган ҳолда иш кўраётганликлари, партия группаларининг иш тажрибасини оммалаштириш масаласи билан қизиқмаётганликлари ҳақида гапирди.

Район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Буреш район комсомол ва ёшлари КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорларини амалга оширишда, районда амалга оширилаётган хўжалик ва маданий қурилиш ишларида актив қатнашаётганлигини кўрсатиб ўтди ҳамда партия ташкилотларининг комсомолга раҳбарлиги масаласига тўхталди. У, район партия комитети ва кўпчилик бошланғич партия ташкилотлари комсомолга етарли раҳбарлик қилмаётганликларини, корхоналарнинг раҳбарлари ва партия ташкилотлари комсомол ва ёшларга зарур маданий-маиший шароит яратиб бериш ҳақида етарли ғамхўрлик қилмаётганликларини кўрсатди.

Конференция делегатлари оммавий-сиёсий ишларда, партия пропагандаси соҳасида ҳам жиддий камчиликлар борлигини, район ва шаҳар партия комитетларининг агитация ва пропаганда бўлимлари бу соҳада бошланғич партия ташкилотларига яқиндан ёрдам бермаётганликларини айтдилар.

Конференцияда корхоналар ишидаги, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятидаги камчиликларни бартараф қилиш, ишлабчиқаришнинг юксалтириш, партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни яхшилаш юзасидан қатор тадбирлар белгиланган кенг қарор қабул қилинди.

Район партия комитети, ревизия комиссиясининг янги состави ва шаҳар партия конференциясига делегатлар сайланди.

* * *

Район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум район партия комитетининг биринчи секретари қилиб ўртоқ Поповни, райком секретарьлари қилиб Семенцов ва Тожихонова ўртоқларни сайлади.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ.



Янгийўл районидаги Петров номли колхозда ерларни ғўзапоялардан тозалаш ва кузги шудгорлаш ишлари қизғин давом этдирилмоқда. **Суратда:** тракторчи **Г. Аҳмаджонов,** плугатор **М. Маҳкамов** ўртоқлар. Улар ҳар кунн 15 гектардан ортиқ пахта майдонини сифатли шудгор қилаётирлар.

В. Салов фотоси.

Партиявий-ташкилий ишларни яхшилайлик

Киров район партия конференциясидан

Киров район партия конференциясида район партия комитетининг секретари ўртоқ Йўлдошева ҳисобот доклади қилди. Докладчи, район саноат корхоналари ва хунармандчилик артельлари КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорини амалга ошириш учун курашиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш, техникани янада тараққий этдириш соҳасида бирмунча ютуқларни қўлга киритганликларини айтди. Район саноат корхоналари 10 ойлик планни 100,4 процент бажарганлар, пландан ташқари 2 миллион сўмлик маҳсулот берилган. Аэрогеодезия корхонаси, райпромкомбинат, кондитер ва пайпоқ-трикотаж фабрикалари, 4-нчи гишт заводлари бошқармаси ва «Ташинтруд» артели бешйиллик планни муддатидан илгари бажардилар.

Лекин районнинг бирқанча саноат корхоналари давлат планини бажаришни та'минлайолмадилар. Кондитер фабрикаси ва қурилиш материаллари артели планнинг 83 — 89 процента миқдорида маҳсулот чиқардилар. «Узбексельмаш» заводи ишида бирқадар бурилиш вужудга келган бўлса ҳам, лекин завод ҳамон бир ме'ёрда ишламаётир. Бу йил завод коллективи пахта сеялкалари ва бошқа машиналарни пландагига қараганда анча кам берди. Брак маҳсулот кўп бўлмоқда. Штурмчиликка барҳам берилмаётир. Район партия комитети бу йирик корхонанинг иши билан жиддий шуғулланмаётир. Бошланғич партия ташкилотлари ва цех партия ташкилотлари корхонада социалистик мусобақани кучайтириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ишчилар ўртасида агитация ва пропаганда ишларини йўлга қўйиш билан кам шуғулланмоқдалар. Коммунистларнинг кўпчилик қисми партия ҳаёти план яқиндан қизиқмайди, партия йиғилишлари паст савияда ўтади ва коммунистларнинг тенг ярми деярли йиғилишларда ҳозир бўлмайдилар.

Завод партия комитетининг секретари ўртоқ Акопов конференцияда сўзга чиққан бўлса ҳам, завод партия ташкилоти ва ма'мурият ишида бўлган жиддий камчиликлар тўғрисида сўзламасдан, заводнинг бир ме'ёрда ишламаётганлигига ҳаркимларни айбдор қилиб кўрсатишга уринди.

Район партия ташкилотининг ўтган конференциясида ҳам «Узбексельмаш» заводининг ёмон ишлаётгани тўғрисида кўп гап-сўз бўлиб, завод директори ўртоқ Стикайло ва партия комитетининг секретари ўртоқ Акоповлар қаттиқ танқид қилинган эдилар. Аммо улар конференция қарорининг бажарилишини та'мин қилмадилар, район партия комитети эса бу корхона ма'муриятига ва партия ташкилотига етарли ёрдам бермади.

Тамаки фабрикаси ишида ҳам катта камчиликлар бор. Сентябрь ва октябрь ойларида 623 минг папирос брак қилинди. Аммо фабрика директори ўртоқ Обидова, бош инженер ўртоқ Левин ва партия ташкилотининг секретари Смишляев маҳсулот сифатини яхшилаш ва техника тараққиётини ривожлантириш соҳасида етарли иш қилмаётирлар.

Ўртоқ Смишляев конференцияда сўзга чиқиб, райком секретари ўртоқ Кравченконинг икки йилдан бери корхонага бормаганлигини, район партия ташкилоти ишида қоғозбозлик ва бюрократизм ҳукм сураётганлигини кўрсатди. Райком ходимлари корхоналарга кам борадилар, корхоналарнинг ишига доклад ва справкаларга қараб баҳо берадилар, деди.

«Узглавшвейпром»нинг 1-нчи заводи партия ташкилоти секретари ўртоқ Сергеев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Зоҳидов, «Узбексельмаш» цех партия ташкилотининг секретари ўртоқ Годиенко ва бошқалар район саноат корхоналари ишида бўлган катта камчиликларни очиб ташладилар.

Конференцияда корхоналарда оммавий-сиёсий ишларнинг бўш олиб борилаётганлиги, аҳоли ўртасида агитация ва пропаганда ишларига етарли э'тибор берилмаётганлиги тўғрисида анча гапирилди. Бу йил ҳам ба'зибир партия ташкилотлари партия маорифи шохобчаларида машғулотларнинг юқори савияда ўтишини та'минламаётирлар. 5-нчи гишт заводлари бошқармаси Жданов номли артель ва бошқа корхоналарда бўлган тўғарак ва сиёсий мактабларда давомат қаноатланарли эмас. «Узбексельмаш» заводида ба'зан тўғарак машғулоти ўтмай қолаётир.

Ўзбекистон давлат нашриёти партия ташкилотининг секретари ўртоқ Саидхўжаев полиграфия базасини мустаҳкамлаш зарурлигини кўрсатди. Гарчи нашриёт ишида бирмунча ўзгариш вужудга келган бўлса ҳам, лекин қоғоз билан ўз вақтида та'мин қилинмаётганлиги ва босмахоналарнинг айби билан китоблар ҳали ҳам ўз вақтида нашр қилинмаётир. Ўртоқ Саидхўжаев янги китобларга рецензиялар жуда кам берилаётганлигини алоҳида кўрсатиб ўтди.

Район партия комитетининг секретари ўртоқ Йўлдошева ўз докладида саноат корхоналарининг ишида бўлган жиддий камчиликларни чуқур таҳлил қилмади, корхоналарнинг бир ме'ёрда ишлашини та'мин қилаолмаётган раҳбарларни қаттиқ танқид қилмади ва партия ташкилотларининг иш услубида бўлган камчиликларни очиб ташламади. Шунинг учун бўлса керак, доклад юзасидан музокарага чиққан ба'зи делегатлар ўз ишларидан ҳисоб бериш, фактларни қайд қилиш билан кўп вақтни ўтказадилар. Делегатлардан бири «конференциямиз хўжалик ходимлари кенгашига айланиб кетди», деб конференция ишидан қаноат ҳосил қилмаганлигини айтди.

Конференцияда шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ Арнаутов сўзга чиқиб, район партия комитети ва райком секретарьлари ишида бўлган камчиликлар тўғрисида гапириб, район партия ташкилоти идеология ишларига, аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш, саноат корхоналарида ишчиларнинг маданий-маиший шароитини яхшилаш, ёш ишчилар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш зарурлигини алоҳида кўрсатиб ўтди. Райкомнинг ишида бўлган жиддий камчиликлардан бири унинг бошланғич партия ташкилотларига етарли раҳбарлик қилмаётганлигидир.

Конференция район партия комитетининг саноат корхоналарига раҳбарлигини кучайтириш ва райком бўлимларининг ишини яхшилашни талаб қилган резолюция қабул қилди.

Конференция райкомнинг янги составини, Тошкент шаҳар партия конференциясига делегатлар сайлади.

Киров район партия комитетининг биринчи пленуми бўлди. Райкомнинг биринчи секретари қилиб М. Йўлдошева, райком секретарьлари қилиб А. Кравченко ва Н. Тожибоев ўртоқлар сайланди.

Бўка район пахтакорларининг ғалабаси

Бўка районининг пахтакорлари ва совхоз ишчилари 13700 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ҳозиргача 19 центнердан ҳосил топшириб, давлат пахта тайёрлаш планини бажардилар. Топширилган пахтанинг 85 процента отбор ва биринчи сортга қабул қилинди.

Район меҳнаткашлари бу йил асосий ерларга чигитни янги, прогрессив усулда экдилар, кўпгина майдонларда ғўза қатор ораларини иккитомонлама ишладилар. Янги усул пахта етиштиришда асосий ишларнинг энг кўп қисмини механизациялаштиришга имкон берди. Демак, қўл билан қилинадиган ишлар енгиллашди, муҳим агротехника тадбирларини қулай муддатларда тез бажариб олиш мумкин бўлди. Натижада далаларда мўл ҳосил етишди ва пахта ҳар йилгидан анча эрта пишди.

КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилган пахтакорлар йиғим-терим мавсумида қўнинг килограммчилар харакатини кучайтириб, пахтани териш ва уни давлатга топшириш сур'атини анча тезлатишга эришдилар.

Районнинг илғор колхозлари агротехника тадбирларини усталик билан қўлланиб, анча мўл ҳосил етиштирдилар ва пахта тайёрлаш планини ошириб бажардилар. Жумладан, «XIX партс'езд» колхози а'золари ҳар гектар ердан пландаги 24,5 ўрнига 28 центнердан, Вильямс номли колхоз а'золари 27,5 центнердан пахта топширдилар. Илғари қолоқ бўлиб келган Охунбобоев номли колхоз а'золари ҳар гектар ердан 19,5 ўрнига 22 центнердан ҳосил етиштирдилар. Шунга ўхшаш «Сталинград», Тимирязев номли колхозлар ҳам пахта тайёрлаш планини 102—103 процентга етказиб адо этдилар. «XIX партс'езд» колхозининг ўртоқ Т. Шокиров бошлиқ бригадасида ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил олинган бўлса, шу бригаданинг ўртоқ А. Назиров бошлиқ звеносида ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил олинди.

Район колхозлари давлатга чорвачилик ва бошқа маҳсулотлар топшириш планларини ҳам ортиғи билан бажардилар.

Колхоз ва совхозларнинг меҳнаткашлари даладаги мавжуд пахтани тез кунда теріб олиб, давлатга пландан ташқари яна 1500 тонна пахта топширишга қарор қилдилар. Шу билан бирга келгуси йил мўл ҳосили учун мустаҳкам замин яратиш учун кураш қизитиб юборилди. Ҳозиргача 2400 гектар ер шудгорланди.

Каганович номли колхоз пахта тайёрлаш планини бажарди

Октябрь районидаги Каганович номли колхознинг а'золари 30 ноябрьда пахта тайёрлаш йиллик планини 100,2 процент бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Колхоз бу йил 1890 гектар ерга чигит эккан эди. Шундан 1540 гектар ердаги ғўза квадрат усулида жойлаштирилди. Пахтачилик агротехникасининг бу янги усули гигант колхозда чигит экиш, ғўза парваришини ўз вақтида ўтказишга катта ёрдам берди. Квадратлардаги ғўзалар эрта ҳосилга кириб, барвақт очилди. Бу эса об-ҳаво шароитининг ноқулай келишига қарамасдан катта майдонлардан мўл ҳосил олинишига сабаб бўлди. Колхоз раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов мухбиримиз билан суҳбатда бундай деди:

— Пахтачиликда янги усулни биринчи қўлланиш пайтида катта қийинчиликни босиб ўтдик. 732 гектар ердаги ғўзамизни 30 сентябрьда совуқ уриб кетишига қарамасдан давлат планини муваффақиятли бажариб, ҳозиргача 4234 тонна пахта топширдик. Квадратнинг афзаллиги бизнинг колхозимиз мисолида жуда яққол кўринди.

Колхоз далаларида ҳали ҳосил жуда кўп. Теримчилар шу кунларда ҳам кўрак билан бирга оқ пахта термоқдалар. Колхоз ҳар куни давлатга йиллик планнинг бир процента миқдорида пахта топширмоқда. Бригадаларда ўнлаб кўрак узиш ва кўрак чувиш машиналари ишламоқда. Колхозчилар давлатга пландан ташқари яна энг камида 550 тонна пахта бериш мажбуриятини олдилар.

Шу билан бирга келгуси йил мўл ҳосилга тайёргарлик ишлари ҳам кучайтириб юборилди. Ҳосили йиғиб олинган далалар пешма-пеш ғўзапоядан тозаланиб шудгор қилинмоқда.

Каганович номли колхоз пахта тайёрлаш планини бажариш билан бирга давлат мажбуриятларининг ҳаммасини тўла ва ошиғи билан бажарди ва чорвачиликни ривожлантириш планини муваффақиятли адо этди. Колхозчилар КПСС XX с'езди ва Ўзбекистон КП XIII с'езди шарафига 1955 қишлоқ хўжалик йилини ҳар жиҳатдан муваффақиятли якунлаш учун астойдил курашмоқдалар.

„Далварзин" совхозлари давлатга пахта топширишда районни орқага тортмоқда

«Далварзин» совхозлари Бекобод районидаги барча колхозларга қараганда давлатга кўпроқ пахта топширишда лозим. Улар ишчи кучлари, мўл ҳосил усталари, механизациянинг барча воситалари билан етарли та'минланган. Афсуски, бу совхозларнинг раҳбарлари ана шу мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланаолмаётирлар. Улар пахта йиғим-теримига якун ясалучи ва ҳал қилучи ҳозирги кунларда дала ишларини бутунлай бўшаштириб юбордилар, ишчи кучларини, механизация воситаларини теримга тўла сафарбар этиш ўрнига хотиржамлик кайфиятига берилиб кетдилар. Бўлимларда, бригадаларда меҳнат интизоми бўшашмоқда, белгиланган кунлик нормани бажармовчилар, прогулчилар сони кундан-кунга кўпаймоқда. Бундай аҳволни 2-нчи «Далварзин» совхозида яққол кўриш мумкин.

Ҳозир бу совхознинг кўпчилик бригадаларида чигит қайта экилган майдонлардаги пахталар қийғос очилиб ётипти. Агар мавжуд ички имкониятлардан тўла ва унумли фойдаланилса, меҳнат тўғри ташкил этилса, бригадалар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа кучайтириб юборилса, совхоз бўйича кунига йиллик планнинг 1—1,5 процента миқдорида давлатга пахта топширилиши мумкин. Совхоз раҳбарларининг (директори Н. Бойметов, партия ташкилотининг секретари К. Ермолов ўртоқлар) пахта йиғим-терими сур'атини кучайтиришга етарли э'тибор бермаётганликлари, ўз вазифаларига ўтакетган даражада мас'улиятсизлик билан қараётганликлари, фақат кабинетларидан туриб, умумий «раҳбарлик» қилаётганликлари туфайли пунктга кунига йиллик планнинг 0,4—0,5 процента миқдорида пахта жўнатилаётир, холос.

Мана, совхознинг 3-нчи бўлимидаги ўртоқ А. Узоқов бошлиқ бригаданинг пахта майдони. Қийғос очилган пахта кўзни қамаштиради. Теримда эса графикда белгиланган ишчиларнинг 50 процента ҳам йўқ. Ҳозирги иссиқ кунлар, Бекободнинг шамоли пахталарни сушилкаларда қуритмасдан туриб, тўппа-тўғри пунктларга жўнатиш имкониятини бермоқда. Аммо, бригада бошлиғи: «ишчилар сушилкада, хирмонда» деб нотўғри ахборот беришга уринади. Ҳамма гап шундаки, бригада бошлиғи ўзига бириктилган ишчиларни пахта теримига тўла жалб қилаолмаётир. У, ҳозирги мас'улиятли кунларда ҳамма ишни ўзибўларчиликка ташлаб қўйган. Шунинг учун ҳам теримчилар ишга кеч чиқиб, эрта қайтишга одатланиб қолганлар, уларнинг кўпчилиги белгиланган кундалик нормани бажармайди. Бригадада давлатга пахта топшириш сур'ати кундан-кунга пасайиб кетаётганлиги сабабли йиллик план эндигина 58 процент миқдорида бажарилди.

Бундай аҳвол совхознинг 1-нчи бўлимидаги С. Ортиқов, 2-нчи бўлимидаги А. Ҳолиқов бошлиқ бригадаларида ҳам давом этмоқда. Ҳар икки бригадада ҳам пахта нобудгарчилигига йўл қўйилаётир. Эгатлар орасидан, уватлардан, йўл чеккаларидан ҳовуч-ҳовуч пахта териб олиш мумкин. Бригада бошлиқлари бу нобудгарчиликка қарши ҳеҳ қандай чора кўрмаётирлар. Улар ҳозирги кунларнинг ҳарбир соати ганимат эканлигини, шу кунлардан тўла ва унумли фойдаланиб, тупроққа қоришиб ётган «оқолтин»ни ўз вақтида териб олиш лозимлигини унутиб қўймоқдалар. Ўртоқ Ортиқов ҳам, ўртоқ Холиқов ҳам бир оғиздан: «Тўкилганини терай десак, вақтни қизғанаяпмиз», дейдилар. Бригадаларда меҳнат яхши ташкил қилинмаганлиги, илғорлар тажрибасини оммалаштиришга, ўзаро социалистик мусобақани кучайтириб юборишга э'тибор берилмаётганлиги сабабли терим сур'ати мутлақо қониқарли эмас. Ана шундай қатор хато ва камчиликларнинг юз бераётганлиги сабабли ҳар иккала бригада ҳам йиллик планни эндигина 70—80 процент миқдорида бажариб, совхозни орқага тортмоқда.

Ма'лумки, пахта йиғим-теримини муваффақиятли ўтказишда механизация ҳал қилучи роль ўйнайди. Ана шунга қарамай совхоз раҳбарлари бу соҳага етарли э'тибор бермай келаётирлар. Ҳозир кўпчилик бригадаларда пахтаси иккинчи марта машина билан терилиши мумкин бўлган майдонлар бор. Бироқ, бош инженер ўртоқ Н. Газимовнинг ўз вазифасига мас'улиятсизлик билан қараб келаётганлиги сабабли янги усулга мослаштирилган 38 пахта териш машинасидан 10—15 таси ишлаётир, холос. Совхоз дирекцияси томонидан механик ҳайдовчиларга етарли шароит яратиб берилмаганлиги сабабли, улар ўз агрегатлари билан жуда оз миқдорда пахта тераётирлар. Шунингдек, совхозда мавжуд бўлган 13 та кўрак териш машинасидан фақат 5—6 таси ишлаётир. Қолганлари эса пахтазор ёқаларида қаровсиз ётипти. Сиз агар совхоз раҳбарларидан: «Нима учун 32 та кўрак чувиш машинасидан фақат 13 таси ишлаётир» деб сўраб қолсангиз, улар бепарволик билан: «Шуниси ҳам етиб турипти» деб жавоб берадилар. Хўш, қандай қилиб «етиб турипти?» Кўрак териш машиналари ҳаддан ташқари унумсиз ишламоқда. 600 дан ортиқ ишчи кундалик белгиланган нормани бажармай келаётир. Демак, 20 га яқин кўрак чувиш машинаси кўрак етказиб берилмаётганлиги учун ишламай бекор турипти-ку.

Совхозда ана шундай қатор хато ва камчиликларнинг мавжуд бўлиши пахта йиғим-терими сур'атини бўшаштириб юборди. Фақат ўртоқ У. Бердалиев бригадасини мустасно қилганимизда қолган бironта бригада ҳам йиллик планларини бажарганлари йўқ.

1-нчи, 3-нчи «Далварзин» совхозларида ҳам аҳвол ана шундай. 1-нчи «Далварзин» совхози (директори Ҳомич, партия ташкилотининг секретари Н. Фоизова ўртоқлар) да айниқса меҳнат интизоми бўшашиб кетган. Ҳар куни 100—150 ишчи ҳеч-қандай сабабсиз теримга чиқмайди, 500 дан ортиқ ишчи кунлик нормани бажармайди. Совхоз раҳбарлари эса ҳеч-қандай амалий чора кўрмаётирлар. Контрольлик ва талабчанлик йўқлиги учун ҳам бўлим ва бригадаларда пахта терими ва кўрак териш машиналаридан унумсиз фойдаланилмоқда.

Бекобод район партия ҳамда совет ташкилотларининг раҳбарлари давлатга пахта топширишда сусткашлик қилиб, районни орқага тортаётган «Далварзин» совхозларида йўл қўйиб келинаётган хато ва камчиликларни тезда бартараф қилишлари, шунингдек, келаси йил ҳосили учун пухта замин тайёрлаш чораларини кўришлари керак.

У. ЖОНГИТОВ,
М. ИКРОМОВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1955 ЙИЛ 1 ДЕКАБРЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

(процент ҳисобида)

Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан	Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
Ўртасарой	0,36	108,32	Пискент	0,23	101,94
Оржоникидзе	0,32	105,36	Сирдар'ё	0,31	100,96
Гулистон	0,71	104,92	Бўка	0,21	100,37
Оҳангарон	0,28	104,17	Ўртачирчиқ	0,28	98,79
Октябрь	0,32	103,73	Верхне-волинск	0,41	98,40
Калинин	0,45	103,56	Чиноз	0,65	96,91
Мирзачўл	0,41	102,62	Оққўрғон	0,45	93,96
Юқоричирчиқ	0,26	102,38	Бекобод	0,79	93,82
Янгийўл	0,33	102,33	Қуйичирчиқ	0,57	87,60
Ховос	0,45	102,23	Боёвут	0,67	79,82

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1955 ЙИЛ 1 ДЕКАБРЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

(процент ҳисобида)

Совхозларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан	Совхозларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
4-нчи Вревский	0,38	106,92	2-нчи «Далварзин»	0,72	84,58
«Малик»	0,25	93,63	1-нчи «Боёвут»	0,69	83,25
16-нчи совхоз	0,58	92,51	Кўкорол	1,00	81,86
1-нчи «Далварзин»	1,03	88,58	3-нчи «Боёвут»	0,87	74,81
«ЎзССР бешйиллиги»	0,57	87,60	3-нчи Вревский	—	71,88
17-нчи совхоз	0,59	87,46	2-нчи «Боёвут»	0,56	71,65
3-нчи «Далварзин»	0,61	84,88	10-нчи совхоз	1,40	71,00
			4-нчи «Боёвут»	0,48	65,40

Район партия комитети пленуми ижодий муассасаларининг ишларини муҳокама қилди

Тошкент шаҳар, Марказий район партия комитетининг навбатдаги пленуми ижодий муассасалар бошланғич партия ташкилотларининг иши ҳақидаги масалани муҳокама қилди. Бу ҳақда район партия комитетининг секретари ўртоқ Ҳ. Гўломов доклад қилди.

Докладда ва пленум қатнашчиларининг сўзларида қайд қилинишича, район территориясида жойлашган ижодий союзлар ва муассасаларнинг партия ташкилотлари сўнгги вақт ичида ўз ишларини бирмунча яхшилаганлар. Партия йиғилишларида айрим ёзучилар, рассомлар ва композиторларнинг ижодига оид масалалар тез-тез муҳокама қилинадиган бўлди. Масалан ёзучилар союзининг партия йиғилишида коммунист М. Шевердиннинг Уйғун ва С. Муҳамедов билан биргаликда яратаётган киносценария устида қандай ишлаётганлиги тўғрисидаги ҳисоботи тингланди. Композиторлар ва рассомлар союзларининг партия ташкилотлари ижодий коллективларнинг ишини яхшилаш юзасидан бирқанча тадбирлар кўрдилар.

Шулар билан бир қаторда пленумда райондаги театрлар, ижодий союзлар ва ташкилотларнинг ишларида ҳали ҳам катта камчиликлар борлиги кўрсатиб ўтилди. Шуни айтиш кифоя қиладики, кейинги беш йил ичида социалистик саноат кишилари тўғрисида ҳўзга кўринарли бironта асар яратилмаган. Колхоз қишлоқлари тўғрисида ягни асарлар йўқ. Бунинг учун кўп жиҳатдан бошланғич партия ташкилотлари айблидирлар. Улар идеология ишларининг савиясини ошириш, кадрларни тарбиялаш учун кўп ишлар қилмаганлар. Рассомлар союзи «филармония ва Горький номидаги драма театрининг партия ташкилотлари ўз коллективларининг ижодий фаолиятлари билан боғлиқ бўлган муҳим масалалар билан сust шуғулланмоқдалар. Бу ерларда йиғилишлар кам ўтказилади, танқид ва ўз-ўзини танқид яхши ривожлантирилган эмас. Композиторлар союзи, Навоий номидаги опера ва балет театрининг партия ташкилотлари музика сан'атини янада юксалтириш учун етарли даражада актив кураш олиб бормаётирлар. Пленумда ижодий муассасаларда сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш зарурлиги алоҳида уқтириб ўтилди.

Пленум ижодий союзлар ва муассасаларнинг ишини яхшилаш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этишда бошланғич партия ташкилотларининг ролини оширишга қаратилган тадбирлар белгилади.

(ЎзТАГ).

Албания парламент делегацияси СССР Олий Советининг доимий комиссиялари а'золари блан учрашди

30 ноябрьда Катта Кремль саройида Албания халқ мажлисининг делегацияси СССР Олий Советининг доимий комиссиялари а'золари блан учрашди. Албаниянинг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси М. Прифти делегацияга ҳамроҳ бўлди.

Иттифоқ Совети Бюджет комиссиясининг раиси И. С. Сенин СССР Олий Советининг ҳозир бўлган депутатлари номидан меҳмонларни самимий табриклади ва уларни миллий байрам — Албаниянинг фашист босқинчилардан озод қилинганига 11 йил тўлганлиги блан қутлади.

И. С. Сенин Албания делегацияси а'золарини Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети бюджет комиссияларининг иши блан таништириб, бу комиссиялар қандай тузилиши, уларда СССР давлат бюджети проектлари қандай тартибда муҳокама қилиниши тўғрисида сўзлаб берди. У, бюджетнинг айрим бобларини муфассал кўриб чиқиш учун кичик комиссиялар тузилади, бу комиссияларнинг ишида иттифоқчи республикаларнинг вакиллари, шунингдек министрликлар ва идораларнинг вакиллари қатнашади.

Иттифоқ Совети ташқи ишлар комиссиясининг а'зоси Н. В. Попова меҳмонларни ташқи ишлар комиссияларининг фаолияти блан таништирди. У, уқтириб ўтдики, бу йил комиссиялар айниқса активлик блан ишладилар. Совет давлатининг ташқи сиёсатига доир бирқанча масалаларни муҳокама қилдилар, деб уқтириб ўтди. Ма'лумки, ташқи ишлар комиссияларининг таклифига биноан СССР Олий Совети 1955 йил 9 февральда ҳамма мамлакатларнинг парламентларига мурожаат қилган декларацияни қабул қилди. Парламентларни бир-бирлари блан бевосита алоқа ўрнатишга, бир-бирларига делегациялар юбориб туришга чақиргани ва халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган қарбир қадамни табриклаган бу декларация кўпгина мамлакатларнинг парламентлари томонидан ма'қуллаб қутиб олинди. Кейинги вақтда Финляндия, Англия, Ҳиндистон, Швеция, Сурия, Югославия, Япония, Бельгия, Франция, Люксембург парламент делегациялари СССРда бўлди. Ҳозирги вақтда Албания ва Австрия парламент делегациялари Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турибди. Шу блан бирга СССР Олий Советининг делегациялари ҳам бирқанча чет давлатларга борди.

Иттифоқ Совети қонун лойиҳалари тайёрловчи комиссиясининг а'зоси Т. М. Зуева Албания халқ мажлиси депутатларига қонун лойиҳалари тайёрловчи комиссиялар умумиттифоқ қонунларининг проектларини ва жорий қонунларни тайёрлаш устида қандай ишлаганликлари ҳақида сўзлаб берди.

Албанияли меҳмонлар СССР Олий Совети доимий комиссияларининг фаолияти блан қизиқдилар. Улар, жумладан, СССР давлат бюджетини муҳокама қилиш тартиби, доимий комиссияларнинг иши қандай планлаштирилиши, шунингдек янги қонун проектлари тайёрлаш ҳақида бирқанча саволлар бердилар.

Суҳбат охирида делегация раҳбари, Албания халқ мажлисининг раиси Гого Нуши СССР Олий Совети депутатларига суҳбат учун делегация а'золари номидан ташаккур изҳор қилди ва СССР Олий Совети доимий комиссияларининг иш тажрибаси Албания халқ мажлисининг ана шундай комиссиялари фаолияти учун амалий аҳамиятга эгадир, деди.

Албания делегацияси блан бўлган учрашувда Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети доимий комиссияларининг а'золари— депутатлардан М. М. Алиев, А. К. Грен, К. А. Губин, А. Ф. Диордица, Р. Е. Мельников, А. А. Сурков, шунингдек СССР Олий Совети депутатлари — СССР Юстиция министри К. П. Горшенин, СССР Молия министри А. Г. Зверев, СССР Олий Совети Президиуми секретарининг Ўринбосари А. Ф. Горкин қатнашдилар. (ТАСС).

СССР Олий Совети делегациясининг Германия Демократик Республикасида бўлиши

БЕРЛИН, 29 ноябрь. (ТАСС). СССР Олий Совети делегациясининг а'золари кеча делегация раҳбари Н. С. Патоличев бошчилигида Дрезденга келдилар. Делегация а'золари бугун Дрезден округининг районлари бўйлаб саёҳат қилдилар.

Ўртоқ Н. С. Патоличев ва депутатлар — ёзучи А. Т. Венцлова ва Краснодар ўлкасидаги «Кубань» совхозининг директори Н. И. Трофименков Баутцен шаҳрида бўлдилар.

Сўнгра район советининг депутатлари блан бўлган учрашув вақтида делегация а'золари район совети доимий комиссияларининг иши блан таништирдилар.

Делегация а'золари С. А. Скачков, В. А. Ямборцумян ва С. Нуруддинов Герлиц шаҳрига бордилар. Буерда делегация а'золари ГДРда энг йирик вагонсозлик заводларидан бири бўлган «Ваггонбау» вагонсозлик заводини бориб кўрдилар.

Завод кўриб бўлингандан кейин завод бошқармаси биносида делегация а'золари блан корхона бошқармаси вакиллари, инженер-техник ходимлари ва ишлабчиқариш активлари ўртасида учрашув бўлди.

СССР Олий Совети делегацияси а'золаридан депутат Г. А. Денисов бошчилигида Росток округида меҳмон бўлиб турган бир группаси кеча кечқурун округ совети ходимлари блан учрашди. Округ совети ходимлари блан меҳмонлар эркин суҳбатда иш тажрибалари блан ўртоқлашдилар.

Делегация а'золари Германия Демократик Республикасининг шимолидаги энг йирик корхоналардан бирини — «Варнов» кемасозлик корхонасини бориб кўрдилар. Корхонанинг техника директори Г. Бауэр меҳмонларни корхонанинг иши блан таништирди. Делегация а'золари цехларни кўрдилар. Совет Иттифоқининг закази бўйича қурилаётган «Механик Кулибин» теплоходида ва ремонтда турган «Адмирал Нахимов» пароходида бўлдилар.

СССР Олий Совети делегациясининг бир қисми округ совети раиси Х. Варнке ҳамроҳ бўлган ҳолда Шуленберг қишлоғидаги «Дўстлик» қишлоқ хўжалик ишлабчиқариш кооперативини бориб кўрди. Немис деҳқонлари совет меҳмонларини самимий кутиб олдилар. Пионерлар СССР Олий Совети депутатларига гулдасталар тақдим этдилар. Кооператив правлениесининг раиси Г. Вульф кооператив хўжалигининг ривожланиши ҳақида сўзлаб берди.

СССР Олий Совети делегациясининг а'золари кечқурун Росток Халқ театрида «Уйқудаги гўзал» балетини тамоша қилдилар.

Ҳаво алоқаси тўғрисидаги Совет-Югославия Битими ратификация қилинди

СССР Олий Совети Президиуми Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ҳукумати блан Югославия Федератив Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида ҳаво алоқаси тўғрисида 1955 йил 3 сентябрьда Москвада имзоланган ва СССР Министрлар Совети тасдиқлаган Битимни 1955 йил 28 ноябрьдаги Фармони блан ратификация қилди.

Ж. НЕРУ КАЛЬКУТТАДАН ДЕҲЛИГА ЖУНАБ КЕТДИ

КАЛЬКУТТА, 1 декабрь. (ТАСС). Ҳиндистон Республикасининг Бош министри Ж. Неру бугун Калькуттадан Деҳлига самолётда учиб кетди.

БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида

НЬЮ-ЙОРК, 30 ноябрь. (ТАСС). Кеча БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида комитетларда муҳокама қилиниб бўлган масалалар юзасидан комитетларнинг докладлари ва резолюция проектлари кўрилди.

Бош Ассамблея овоз бериш мотивлари юзасидан қилинган қисқача баёнотлардан кейин Корея масаласи юзасидан сиёсий комитет тақдим этган резолюцияни 11 делегация бетараф қолган ҳолда 44 овоз блан қабул қилди. Бу резолюция сиёсий комитетда овозга қўйилган вақтдагидек, бу гал ҳам Боливия, Бирма, Белоруссия ССР, Чили, Чехословакия, Ҳиндистон, Индонезия, Польша, Сурия, Украина ССР ва Совет Иттифоқи делегациялари овоз беришда бетараф қолдилар.

СССР вакили Я. А. Малик овоз бериш мотивлари бўйича сўзга чиқиб айтдики, Бош Ассамблеянинг ўтган сессияларидагидек, бу сессиясида ҳам Корея масаласининг муҳокама қилиниши ижобий натижаларга олиб келмади ва ижобий натижаларга олиб келиш мумкин ҳам эмас эди. Бунинг сабаби шуки, муайян давлатларнинг зўри блан БМТда тамомила ғайри табиий шароит вужудга келтирилдики, бундай шароитда Корея масаласи КХДР ва ХХР иштирокисиз, Кореяда ва Узоқ Шарқ районида юз берган реал вазиятни назарга олмасдан муҳокама қилинмоқда. Бундай ҳолни муҳим проблемани ҳал этишга жиддий, об'ектив ва ишчанлик блан қараш деб айтиб бўлмайди.

Сиёсий комитетда, деди ўз сўзини давом этдириб Малик, АҚШ делегациясининг ва Кореядаги ўрушда қатнашган бошқа ба'зи давлатлар делегацияларининг ҳаракати аслда худди аввалдагидек, Корея масаласини тинч йўл блан ҳал этиш юзасидан амалий чоралар кўрилишига йўл қўймасликка қаратилди, манфаатдор давлатларнинг конференцияси чақирилишига халақит беришга қаратилди, шимолий Корея блан Жанубий Корея ўртасида алоқа ва ҳамкорлик ўрнатилишига тўсқинлик қилишга қаратилди, яраш тўғрисидаги битимга тўғри очиқдан-очиқ қарши чиқаётган ва уруш ҳаракатларини яна бошлашга тайёрланаётган Жанубий Корея ма'мурларини қўллаб-қувватлашга қаратилди. Жанубий кореяли ма'мурларнинг яраш тўғрисидаги битимни бузишга қаратилган ҳаракатлари бу районда тинчликка очиқдан очиқ таҳдид қилади. Ба'зи давлатлар вакилларининг Жанубий Корея ма'мурларининг бу ҳаракатларини корейс-хитой томонига қарши душманчиликдан иборат ҳуружлар блан ниқоблашга уринишлари ана шу таҳдидни асло яшираолмайди. Бош Ассамблея бу хил ҳаракатлардан кўз юмаолмайди. Бош Ассамблея яраш тўғрисидаги битимни ҳимоя қилиб ўзининг қат'ий сўзини айтиши ва бу блан Жанубий кореядаги элементларни, я'ни ташқаридан мадад олишни умид қилиб, тинчликни бузишга интилаётган элементларни жиддий равишда огоҳлантириши лозим.

Сўнгра совет делегати уқтириб ўтдики, Совет Иттифоқи Кореяда тинчлиқ шарт-шароитларини мустаҳкамлаш вазифасига жиддий аҳамият бермоқда. Бу шарт-шароитлар Корея масаласини ҳал қилиш учун зарур заминдир. Совет делегацияси муҳокама қилинаётган резолюциянинг, Кореядаги яраш битимига қаттиқ риоя қилиниши лозим, деб та'кидлаб ўтган ва Корея масаласини тинч йўл блан ҳал этиш йўлидаги куч-ғайратни давом этдиришга чақирган қоидаларини қўллаб қувватлайди.

Совет Иттифоқи шундай позицияда турибдики, Корея масаласини ҳал этиш, даставвал, корейс халқининг ўз ишидир. Манфаатдор давлатларнинг бурчи — бу ишда корейс халқига ёрдам беришдан иборатдир. Совет Иттифоқи КХДРнинг ма'лум таклифларини тамомила қўллаб-қувватлайди. Бу таклифларда чинакам эркин умумкорея сайловлари йўли блан Кореянинг миллий бирлигини тиклаш кўзда тутилади. Бундай сайловлар чинакам холис бўлган халқаро орган назорати остида, сайловчиларга бирон тарзда таз'йиқ қилинишига йўл қўймайдиган шароитда корейсларнинг ўзлари томонидан ўтказилиши лозим. Шимолий ва Жанубий Корея мамлакатни бирлаштириш блан боғлиқ бўлган тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш тўғрисида битимга келишлари зарур. Мана бундай битим зарурлигини инкор қилиш — Корея масаласини томонлардан бирининг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳисобига ҳал этишга уриниш, демакдир, бир томоннинг зўрига иккинчи томонни бўйсундиришга уриниш демакдир. Бундай йўл блан Корея масаласини ҳал этиш мумкин эмаслигини билиб олиш қийин эмас.

АҚШ делегацияси киритган ва сиёсий комитет томонидан Бош Ассамблея муҳокамасига тақдим этилган резолюция, деди сўнгра Малик, Корея масаласи юзасидан манфаатдор давлатларнинг конференциясини чақириш масаласини тилга олмайди ва бу масалани ҳал этиш юзасидан ҳеч-қандай конкрет тадбирларни кўзда тутмайди. Бу резолюцияда Шимолий ва Жанубий Корея ўртасида ўзаро фойдали бўлган алоқаларни ва ҳамкорликни ўрнатиш ҳамда ривожлантириш вазифаси акс этдирилмаган. Ҳолбуки бу муҳим масалани ҳал этиш Корея масаласини узил-кесил ҳал қилиш учун зарур замин вужудга келтириш ишида жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу блан бирга, мазкур резолюцияда Шимолий Кореяга қарши урушган кичкина группадан иборат давлатларнинг биртомонлама позициясини «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг принциплари» деб тасвирлашга уринилади. Бироқ, бу хил биртомонлама ҳаракатларнинг Корея масаласини фақат қийинлаштираётганлигини пайқаб олиш қийин эмас.

Ана шу камчиликлар натижасида, деди ўз сўзининг охирида Малик, резолюция умуман олганда Корея масаласини манфаатдор томонлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли блан ҳал этиш вазифасига жавоб бермайди. Совет делегацияси резолюцияни моддама-модда овозга қўйишни талаб қилмайди. Бироқ, совет делегацияси шуни айтишни зарур деб ҳисоблайдики, бу резолюция Сиёсий комитетда овозга қўйилган вақтда совет делегацияси преамбуланинг биринчи абзацига қарши ва резолюцияда «15 давлат доклади» деб аталган докладнинг тилга олинишига қарши овоз берди. Совет делегацияси резолюциянинг ана шу қоидалари ҳақида ўз позициясини та'кидлайди. Совет делегациясининг фикрича, Корея масаласини ҳал этиш юзасидан дарҳол амалий тадбирлар кўрилиши ва шу мақсадда манфаатдор давлатларнинг конференцияси чақирилиши лозим.

Чехословакия вакили И. Ульрих ўз нутқида уқтириб ўтдики Сиёсий комитет таклиф этган резолюция, гарчи Чехословакия делегацияси қўллаб-қувватлаётган ба'зи умумий принципларни ўз ичига олса ҳам, умуман қониқарсиздир. Бу резолюциянинг асосий камчилиги шуки, деди у, резолюция Корея масаласини ҳал этиш ва Кореяни бирлаштириш ҳақида ҳеч-қандай конкрет тадбирларни таклиф этмайди.

Ҳиндистон делегати К. Менон ўз делегацияси биртомонлама «ультиматумлар сиёсати»га қарши эканлигини ва бинобарин, ана шу сиёсатни акс этдирган моддаларни ўз ичига олган резолюцияни қувватлайолмаганлигини айтди. Бу резолюция, деди у, Корея проблемасини ҳал этишга ёрдам бермайди.

АҚШ ва Англия делегатлари овоз бериш мотивлари бўйича сўзга чиқиб, аслда ўз мамлакатларининг позицияси аввалгидек ҳозирда ҳам Корея масаласининг ҳал этилишига қарши қаратилганлигини яна та'кидладилар. Чунки бу позиция манфаатдор давлатларнинг янада музокаралар олиб боришига ўрин қолдирмайди ва КХДР блан Жанубий Корея ўртасида алоқа ўрнатилишига тўсқинлик қилади.

Бош Ассамблея бошқа Комитетларнинг бирқанча докладларини ва резолюция проектларини муҳокама қилмасдан ва овозга қўймасдан тасдиқлади, шунингдек хавфсизлик Кенгашининг ўтган йил ичидаги фаолияти тўғрисидаги докладини ма'лумотга олди.

Хитой Халқ Республикаси қишлоқ хўжалик делегациясининг Ўзбекистонда бўлиши

Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Хитой Халқ Республикасининг қишлоқ хўжалик делегацияси Ўзбекистонда ўнбир кун бўлди. Делегацияга Синьцзян-Уйғур автоном райони Коммунистик партияси комитетининг секретари Ван Энь-мао бошчилик қилмоқда.

Делегация республика меҳнаткашларининг турмуши блан танишди, Ўзбекистондаги илгор колхозлар ва совхозларнинг иш тажрибаларини ўрганди. Хитойдан келган меҳмонлар Оржоникидзе районидаги Сталин номли колхозда, Андижон районидаги Сталин номли колхозда, Ленин районидаги Куйбишев номли колхозда, Самарқанд районидаги Энгельс номли колхозда бўлдилар, 4-нчи сон «Вревский» зотли моллар совхозида ва «Қизил чорвадор» қорақўлчилик совхозида бордилар, Сталин номидаги Катта Фарғона каналини тамоша қилдилар. Меҳмонлар Самарқандда қорақўлчилик Бутуниттифоқ илмий-текшириш институтининг ишлари блан батафсил танишдилар.

Хитой Халқ Республикасининг қишлоқ хўжалик делегацияси 30 ноябрьда Тошкентдан Фрунзега жўнаб кетди. (ЎзТАГ).

Туркия ҳукумати исте'фо берди

АНҚАРА, 30 ноябрь. (ТАСС). Кеча Туркия ҳукуматининг ҳамма министрлари демократик партия парламент фракциясининг жуда тўпалон блан ўтган мажлисидан кейин исте'фо берганлар. Бу мажлисда мамлакатнинг иқтисодий аҳволи муҳокама қилинган.

Бош министр Аднан Мендерес янги ҳукумат тузишга киришган.

Э. Фор ҳукуматига ишонч билдирилмади

ПАРИЖ 29 ноябрь. (ТАСС). Бугун кечқурун Франция Миллат мажлисида Фор ҳукуматига ишонч билдириш масаласи овозга қўйилди. Ҳукуматга ишонч билдиришга қарши 318 депутат, ишонч билдиришни ёқлаб 218 депутат овоз берди.

СПОРТ ХРОНИКАСИ

Колхоз спортчилари

Оржоникидзе районидаги «Ленинград» колхозининг спортчилар коллективи районда ҳаммага танилган. Қишлоқ марказида спортчи ёш пахтакорларнинг кучи блан стадион қурилган, енгил атлетикачилар сектори, югириш йўли ва волейбол майдончаси ташкил қилинган. Бу спорт майдончасини қуришда колхоз правлениеси, партия ва комсомол ташкилотлари амалий ёрдам кўрсатдилар.

Колхозчи спортчилар ўзлари барпо қилган бу спорт майдонида мунтазам тренировка қилиб, спорт техникасини ўрганишсоҳасида катта ютуқларни қўлга киритдилар. Айниқса енгил атлетика, миллий кураш, сузиш ва волейбол секциялари колхозчи тренерлар М. Назирхонов, В. Галкин, А. Эрматов ўртоқлар раҳбарлигида мунтазам иш олиб бормоқда.

Колхоз раҳбарларининг ғамхўрлигидан бахраманд бўлган колхозчи-спортчилар колхозлараро ва районлараро ўтказилган мусобақа ва спартакиадаларда доим биринчи ўринларни эгаллашга муваффақ бўлдилар. Колхозчилар ўз ораларидан етишиб чиққан Махамат Назирхонов ва Вера Мельникова каби енгилатлетикачилар, Василий Галкин каби сузучи, Ахмат Эрматов ва Бахром Эргашев каби курашчилари блан фахрланадилар.

С. БОҚИЕВ.

Мамлакат биринчилиги учун шахмат мусобақаси

Ленинград. (Телеграф орқали олинди). Мамлакат биринчилиги учун яримфинал шахмат мусобақасининг олтинчи тури ҳам жуда қизиқарли ўтди. Гроссмейстер Толуш Гусевни, Лутиков Бейлинни маҳорат блан ютдилар. Эстрин-Холмов, Равинский-Крогиус, Черепков-Бившев ва Муҳиддинов Геллер ўйинлари дуранг бўлди.

Еттинчи турда тошкенти Муҳиддинов мастер Бившев блан ўйнаб, ўйинни дуранг қилишга эришди. Крогиус-Черепков, Лутиков-Антошин, гроссмейстерлар Толуш-Тайманов, Владимиров-Лейн ўйинлари ҳам дуранг бўлди.

Мусобақанинг саккизинчи тури жуда қизиқарли бўлди. Гроссмейстер Толуш Бейлинни, Эстрин Владимировни, Гусев Чистяковни, Лутиков Равинскийни, Лисицин Черепковни ютди. Антошин-Столяр, Муҳиддинов — Крогиус, Геллер-Бившев ўйинлари дуранг бўлди.

Тўққизинчи турда Крогиус Геллерни, Гусев Владимировни ютди. Лутиков-Черепков, Холмов-Бейлин ўйинлари дуранг бўлди. Қолган ўйинлар кечиктирилди. Бу ўйинларда гроссмейстер Толуш 5,5 очко блан олдинда бормоқда.

ОВЧИ БЛОКНОТИДАН

Кийик

Кийик кўринишда ёввош, аслида эса тор шароитига мослашган чаққон ёвойи эчкидир. Лекин кийикнинг эчкидан табиий фарқи шундаки, баҳорда уларнинг такаси блан эчкиси ажрашиб кетиб, то насл талаб қилганга қадар бошқа-бошқа бўлиб юрадилар. Фақат октябрь, ноябрь ойларидагина такалар эчкиларга қўшилиб баҳорга қадар бирга бўладилар. Она кийиклар апрель, май ойларида биттадан, ба'зан иккитадан бола туғадилар. Шуниси қизиқки, кийикнинг янги туғилган боласи онаси ялаб қуритгандан сўнг дадил югириб кетаберади. Кийиклар лаззатли гўшт берадилар. Уларнинг териси эса кўнчиликда хром учун ишлатилади. Кийиклар Ўзбекистон территориясининг Қорақалпоғистон АССР даги Султон Ҳусайн тоғи, Фарғона водисининг Бўкан, Ўрталиқ, Тераклик, каби тоғларида, Қирғизистон ва Тожикистоннинг Памир, Олой, Тяньшань, Бадахшон тоғларида тўда-тўда ҳолда учрайдилар.

Кийикларни отиш рухсат берилган ерларда фақат қиш ойларидагина ов қилиш мумкин бўлиб, рухсат берилмаган ерларда эса давлат заповедникларида ҳимоя қилинади.

Ҳ. ҲАКИМОВ.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/XII да **Чин муҳаббат**, 3/XII да **Момақалдироқ**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 3/XII да **Тоҳир ва Зуҳра**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/XII да **Нурхон**, 3/XII да **Азиз ва Санам**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Хитой халқ аттракциони.**

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» (эрталаб соат 10 ва кундуз 2 да ҳамда кеч соат 6 дан), «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун) — **Қизил ва қора** (2-нчи серия).

НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 6 дан) — янги француз-итальян бадиий фильми **Хотин кишининг севгиси.**

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА
2 декабрьда
ПРЕМЬЕРА
К. Корчмарев музикаси
ҚИЗИЛ ГЎЛ
(«Аленький цветочек»)
4 парда, 8 кўринишли балет.
Либретто автори — **Л. И. Черкашина (С. Т. Аксаков** эртаги асосида).
Режиссёр — балетмейстер **М. С Собо**, дирижёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Баҳром Иноятов**, рассом — Ўзбекистон ССР халқ рассоми, Сталин мукофоти лауреати **Мели Мусаев.**
Спектакль кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

„Кинопрокат" Ўзбекистон конторасиси
КИНОУСТАНОВКАЛАРНИНГ ЭКРАНЛАРИДА КЎРСАТИШ УЧУН
ҚУЙИДАГИ ЯНГИ ФИЛЬМЛАРНИ ЧИҚАРАДИ:
ЎНИККИНЧИ ТУН
НОМЛИ БАДИИЙ ФИЛЬМ.
В. Шекспир асари асосида ишланган.
Сценарийни ишлаб чиқучи ва постановкачи — **Я. Фрид.**
Режиссёр — **А. Абрамов.**
Рольларда:
артистлардан **К. Лучко, А. Ларионова, В. Медведев, М. Яншин, Г. Вицин, В. Меркурьев, Б. Фрейндлих, А. Лисянская, С. Филиппов, С. Лукьянов, А. Антоновлар** қатнашади.
Бу фильмни «Ленфильм» киностудияси 1955 йилда ишлаган.

СОЯ ВА НУР
НОМЛИ ФРАНЦУЗ БАДИИЙ ФИЛЬМИ.
Сценарий автори — **С. Терак.**
Режиссёр — **Анри Калеф.**
Рольларда:
артистлардан **Симона Синьоре, Мария Казарес, Жак Бертье, Жак Марша, Пьер Дюкслар** қатнашади.
Бу фильмни Франциядаги «Сигма-Вог» ва «Фильм-Марсо» киностудиялари 1950 йилда ишлаган.

ГАЗЕТХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!
1956 йил 1 январьдан
Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, Ўзбекистон совет ёзучилари, композиторлари ва рассомлари союзларининг органи
„Совет ўзбекистони маданияти"
НОМЛИ ЯНГИ ГАЗЕТА ЧИҚАБОШЛАЙДИ.
«Совет Ўзбекистони маданияти» газетаси адабиёт ва сан'ат, кинематография, маданий-оқартув муассасалари, радио, полиграфия ва нашриётлар, китоб савдоси ходимларига ва умуман кенг меҳнаткашлар оммасига мўлжаллангандир.
Газета ўзбек совет маданияти олдида турган муҳим вазифаларни мунтазам равишда ўз саҳифаларида ёритиб боради.
«Совет Ўзбекистони маданияти» газетаси фан, адабиёт, сан'ат ҳақида ва маданият соҳасидаги бошқа масалалар ҳақида илмий, назарий мақолалар, рецензиялар, очерклар ва информациялар бериб туради.
Шунингдек, газета республикадан ташқари, Иттифоқ миқ'ёсида ва демократик республикалар халқлари маданияти, адабиёти ва сан'атида янгидан яратилган йирик асарлар: романлар, повестьлар, ҳикоялар, пьесалар, поэмалар, ше'р ва очерклар блан газетхонларни таништириб боради.
Газета ҳафтада 2 марта чиқади.
ОБУНА БАҲОСИ: 1 йилга — 31 сўм 20 тийин, 6 ойга — 15 сўм 60 тийин, 3 ойга—7 сўм 80 тийин.
Обуна «Союзпечать» ва почта бўлимларида, фабрика-завод ва бошқа муассасалардаги жамоат обуна вакиллари томонидан қабул қилинади.

Тошкент область матлубот союзининг
ТОШКЕНТ САВДО-ХАРИД БАЗАСИ
қуйидаги товарларни сотади
КОЛХОЗЛАРГА:
«Сирокко» вентиляторлари, т-62 «Андижанец» двигательлари, 12 от кучига эга бўлган бензодвигательлар, ёғочсозлик ва рандалаш станоклари, А-6-25 агрегатлари, тракторга тиркаладиган пуркагичлар, ранецли пуркагичлар, ИЗП-25 прожекторлари, ҳархил вентильлар, ВК-75 маркали ҳаво компрессорлари, огнетушительлар, ҳархил йўғонликда сим, 50, 80, 100, 125 ва 150 миллиметрли «Лудло» лўкидонлари, ҳархил сорт темир (бурчак, юмалоқ, квадрат, тахта, авторессор темир), тор изли рельслар.
ДАВЛАТ, САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОЛХОЗЛАРГА:
Холодильник установкалари учун арматура, 75 ва 38 от кучига эга бўлган электростанцияли локомобильлар, темирчилик асбоблари (сандони блан), металл қирқадиган қайчилар, 50 миллиметрли чўян трубалар, ёғоч ва от рашпильлари, шерхебель темирлар, микрометрлар, пиво насослари, ломлар, шуруплар, медицина чўткалари, арча шамлари, катта болталар, болғалар, ёғ ва керосин учун 100 — 150 литрли баклар, шкафлар ва столга қўйиладиган металл қутилар, 3 ва 5 линияли «Летучая мишь» фонарьлари, электр чойнаклари ва дазмоллар учун элементлар.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Клара Цеткин кўчаси, 72-нчи уй. Ҳар куни иш соатларида учрашилсин.

ТАШКИЛОТЛАР, КОРХОНАЛАР ВА БОШҚАЛАР ДИҚҚАТИГА!
Ахлат тўкиш учун
ҚУЙИДАГИ ЖОЙЛАР БЕЛГИЛАНГАН:
1. **Куйбишев районида** — Ворошилов кўчасидаги 3-нчи ғишт заводининг илгариги карьери.
2. **Октябрь районида** — Сағбон кўчасида Чинни заводидан 300 метр наридаги жар.
Ахлатни шаҳарнинг бошқа жойларига чиқариб тўкиш тақиқланади.
Тошкент шаҳар ижроия комитетининг Ободончилик бошқармаси.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 135, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.
2
Р. 68730. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № А — 1561.